Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Узбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 151 (6. 640) 1988 йил 1 июль, жума Баҳоси 3 тийин

МАРКАЗИЙ ГАЗЕТАЛАР САҲИФАЛАРИДА

● КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясининг учинчи иш куни ҳақида ҳисобот эълон қилинган.

● «Правда» газетасининг 12-саҳифасида СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижковнинг ТАСС мухбири саволларига жавоблари берилган.

● «Известия» газетаси илгариги мавзуга қайтиб, «Курорт қандай бўлиши керак» сарлавҳаси остида СССР Фанлар академиясининг вице-президенти А. Яншин, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Н. Петраков ва география фанлари доктори профессор В. Преображенскийнинг мамлакатимиз курортлари проблемаларига бағишланган мақоласи юзасидан келган фикр-мулоҳазаларни берган.

XIX

КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси

КПСС XIX БУТУНИТТИФОҚ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ТЎҒРИСИДА ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси 1988 йил 29 июнь куни Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида ўз ишини давом эттирди.

Эрталабки мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари, Москва шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Л. Н. Зайков раислик қилди.

Конференция делегатлари Мандат комиссиясининг раиси докладини тингладилар. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Марказий Комитет секретари Г. П. Разумовский доклад қилди. Мандат комиссиясининг доклади бир овоздан тасдиқланади.

Сўнгра делегатлар М. С. Горбачевнинг «КПСС XXVII съезди қарорлари қандай бажарилаётгани ва қайта қуришни чуқурлаштириш вазифалари тўғрисида»ги докладини муҳокама қилишни давом эттирдилар.

Музокараларда КПСС Волгоград область комитетининг биринчи секретари В. В. Карпов, КПСС Олтой ўлка комитетининг биринчи секретари Ф. В. Попов, Ленинграддаги В. И. Ленин номли оптика-механика бирлашмаси радиоаппаратлар созловчиси В. П. Смирнов, СССР Фанлар академияси Америка Қўшма Штатлари ва Канада институтининг директори Г. А. Арбатов, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Х. Везиров ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Конференция қатнашчилари қуйидаги резолюциялар лойиҳаларини тайёрлаш комиссияларини сайладилар:

«КПСС XXVII съезди қарорлари қандай бажарилаётгани ва қайта қуришни чуқурлаштириш вазифалари тўғрисида» ҳамда «Совет жамиятини демократиялаш ва сиёсий системани ислоҳ қилиш ҳақида».

«Бюрократизмга қарши кураш тўғрисида».

«Миллатлараро муносабатлар ҳақида».

«Ошкоралик тўғрисида».

«Ҳуқуқий ислоҳот ҳақида».

Танаффусдан сўнг КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Н. Н. Слюньков раислигида докладни муҳокама қилиш давом эттирилди. Музокараларда: РСФСР Театр арбоблари союзи правленнесининг раиси М. А. Ульянов, Украина Компартияси Марказий Комитетининг секретари Б. В. Качура, Пермь шаҳридаги 130-мактаб ўқитувчиси С. А. Федотова, СССР Фанлар академиясининг президенти Г. И. Марчук сўзга чиқдилар.

Кечки мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари В. П. Никонов раислик қилди.

Доклад юзасидан музокараларда: Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари С. Г. Арутюнян, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Е. Е. Соколов, РСФСР Ёзувчилар союзи правленнеси раисининг ўринбосари Ю. В. Бондарев, КПСС Краснодар ўлка комитетининг биринчи секретари И. К. Полозков, ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари В. И. Мироненко, СССР 50 йиллиги номли Иваново станкозсозлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори В. П. Кабандзе, Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. К. Пуго сўзга чиқдилар.

Конференция қатнашчиларининг нутқлари зўр эътибор билан тингланди, залда лўқмалар, хитоблар, эътирозлар эшитилиб турди.

Мажлис охирида ўртоқ М. С. Горбачев конференция президиумига тушган бир қатор саволларга жавоб берди.

* * *

КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференцияси 1988 йил 30 июнь куни Кремлнинг Съездлар саройида ўз ишини давом эттирди.

Эрталабки мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков раислик қилди.

Конференция делегатлари М. С. Горбачевнинг «КПСС XXVII съезди қарорлари қандай бажарилаётгани ва қайта қуришни чуқурлаштириш вазифалари тўғрисида»ги докладини муҳокама қилишни давом эттирдилар.

Музокараларда Ставрополь ўлкасидаги «Ставропольское» бройлер ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори В. И. Постников, Свердловск областидаги В. И. Ленин номли Нижний Тагил металлургия комбинати станининг оператори В. А. Ярин, В. М. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг ректори А. А. Логунов, КПСС Коми область комитетининг биринчи секретари В. И. Мельников, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. И. Патиашвили, Тула областидаги «Новомосковское» агросаноат бирлашмасининг раиси В. А. Стародубцев ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Конференция делегатлари ўртага қўйган бир қанча принципиал масалалар хусусида КПСС Марказий Комитети Бош секретари — «КПСС XXVII съезди қарорлари қандай бажарилаётгани ва қайта қуришни чуқурлаштириш вазифалари тўғрисида» ҳамда «Совет жамиятини демократиялаш ва сиёсий система ислоҳоти тўғрисида» резолюциялар лойиҳаларини ишлаб чиқиш комиссиясининг раиси М. С. Горбачев сўзга чиқиб изоҳ берди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Щербицкий раислигида ўтган кундузги мажлисда Мандат комиссиясининг раиси Г. П. Разумовский сўзга чиқди. У «Огонёк» журналида эълон қилинган «Қарама-қаршилик» мақоласида келтирилган фактларни янада синчиклаб текшириш зарурлигини айтди ҳамда бу ишни КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги партия контроли комитетига ва СССР Прокуратурасига топширишни таклиф этди. Таклиф қабул қилинди.

Делегатларнинг илтимосига кўра, мазкур масала юзасидан «Огонёк» журналининг бош редактори В. А. Коротич тегишли тушунтириш берди.

Шундан кейин докладни муҳокама қилишда Қараганда металлургия комбинатининг пўлат эритувчиси К. З. Ромазанов, КПСС Череповец шаҳар комитетининг биринчи секретари В. И. Саранских, Новосибирск областидаги ССР Иттифоқи 60 йиллиги номли «Первомайский» давлат наслчилик заводи фермасининг зоотехниги Л. П. Живетьева, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов, «Известия» газетасининг бош редактори И. Д. Лаптев ўртоқлар қатнашдилар.

Кечқурунги мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, РСФСР Министрлар Советининг Раиси В. И. Воротников раислик қилди.

Доклад юзасидан музокараларда Москва шаҳридаги «Кўз микрохирургияси» тармоқлараро илмий-техника комплексининг бош директори С. Н. Федоров, Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитетининг раиси Г. А. Боровик, «В. И. Ленин номли Челябинск трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари В. М. Платонов, «Якуталмаз» ишлаб чиқариш-илмий бирлашмаси 12-саралаш фабрикасининг оператори О. М. Захарова, КПСС Ленинград область комитетининг иккинчи секретари А. М. Фатеев, Н. Е. Жуковский номидаги марказий аэрогидродинамика институтининг бўлим бошлиғи Г. И. Загайнов, Новотроицк шаҳридаги Орск—Халиловск металлургия комбинати ишчиси В. Ю. Нежельский, Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р.-Б. И. Сонгайла, Чувашия АССРдаги «Ленинская искра» колхозининг раиси А. П. Айдак ўртоқлар сўзга чиқдилар.

ЗАМОНДОШИМИЗ



Кремлда унинг нигоҳи

Ҳа, КПСС аъзоси, «Ташсантехгазмонтаж» трестининг 3-монтаж бошқармаси сантехниги Карл Эмнинг ҳам диққат-эътибори шу кунларда барча совет кишилари каби Москвага қаратилган. У тушликда газеталарни кўздан кечиради, кечқурун эса Марказий телевидение орқали кўрсатилаётган конференция кундалигини, «Время» программасини кўриб боряпти.

— Мамлакатимиз ҳаётида муҳим тарихий воқеа бўлмиш мазкур конференция иши ҳар бир совет гражданини ҳаяжонлантирмай иложи йўқ. Негаки, унинг кун тартибида энг муҳим масалалар кўриляпти, — дейди коммунист Карл Эм мухбиримиз билан бўлган суҳбат чоғида. — Оқу қорани ажратиб оладиган пайтимиз келди. Партия оммадан ҳеч нарсани яширмайди, фақат у омма орасида иш олиб боради. Конференцияда унинг ролини ошириш, партиянинг ролини ленинча тушунишга қайтишга ҳаракат қилиняпти. Партия ўзгариб, ривожланиб омманинг сиёсий раҳбар кучи бўлиб қолишига ишонаман...

Карл Эм 1966 йилдан буён қурилишда тер тўкади. Ўша оғир кунларда, яъни зилзила оқибатларини тугатиш кунларида у фидокорона меҳнат қилди. Беш йиллик зарбдори бўлди. Ўша пайтда кўчада қолган ҳамшаҳарларимиз учун уй-жой жуда муҳим эди. Ўзининг ҳалол, фидокорона меҳнати билан бошпанасиз қолган ҳамшаҳарларимизга уй қуриб беришга салмоқли ҳисса қўшди. Уларга олам-олам қувонч улашди.

— Уй-жой программаси ҳамон муҳим бўлиб қоляпти, — дея суҳбатни давом эттирди Карл Эм. — Бу ҳақда Михаил Сергеевич Горбачев ҳам конференцияда қилган докладида алоҳида гапириб ўтдилар: «Биз бениҳоя муҳим вазифани ҳал этишга — амалда 2000 йилгача ҳар бир оилани алоҳида квартира ёки якка тартибдаги уй билан таъминлаш вазифасини ҳал этишга киришдик. Бунинг учун 35 миллионтадан кўпроқ квартира ва уй қуриш кераклиги маълум. Гарчи уй-жой қурилишидаги вазият яхши томонга ўзгара бошлаган бўлсада, бу муаммо ҳамон жуда кескин бўлиб турибди, одамлар йиллар давомида квартира берилишини кутмоқдалар».

Афсуски, шундай, ҳали кўплаб кишилар уй олиш учун йиллаб навбатда турибдилар. Бундан бизнинг Тошкент шаҳримиз ҳам мустасно эмас. Шундан келиб чиққан ҳолда биз уй-жой қуриш қўламини кенгайтириш учун мавжуд резервлардан унумли фойдаланишимиз, уларнинг янги-янги қирраларини қидириб топишимиз керак бўлади. Масалан, ишлаб чиқариш қурилишларига капитал маблағ сарфини камайтириш, давлат ресурслари ҳисобидан, шунингдек хўжалик ҳисобига ўтган меҳнат коллективларининг тўплаган маблағларидан янги уйлар ва квартиралар қуриш миқёсларини кенгайтиришимиз зарур. Айниқса, кооператив ва якка тартибдаги уй-жойлар қурилишини ривожлантиришимиз керак. Одамлар якка тартибдаги уй-жойлар қуришни ривожлантиришни хайрихоҳлик билан кутиб олдилар. Менимча, бўш ётган жойларни планли равишда ана шундай якка тартибдаги уйлар қуриш учун ажратиб бериш керак. Мен коммунистларимизнинг анжуманида уй-жой программасини амалга ошириш борасида тўғри ва аниқ қарорлар қабул қилинади, деб ишонаман...

Шу кунларда Карл Эм меҳнат қилаётган бригада коллективи кунлик топшириқни конференция шарафига бир ярим-икки ҳисса адо этмоқда. Н. Носиров, В. Иваненко, Ф. Ҳасанов каби сантехниклар пешқадамдан қолишмаяпти.

— Шунисе қувончлики, — дейди Карл Эм сўзининг охирида, — трестимиздан конференцияда бизнинг вакилимиз — газ пайвандчи Ботир Назаров иштирок этмоқда. Ўйлаймизки, делегатимиз Москвадан олам-олам таассуротлар билан, бой тажриба билан қайтиб келади. Биз уни интизорлик билан кутмоқдамиз. Албатта, у билан ўртоқлашадиган, гаплашадиган гапларимиз жуда кўп...

Т. ТОШЕВ.

СУРАТДА: сантехник Карл Эм.

Т. Каримов фотоси.

Москва, Сизни Тошкент сўрамоқда!

Телефонда — КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси делегати Тошкентдаги 2-автокомбинатнинг ҳайдовчиси Йўлдош Тожиевич АКБАРОВ

— Йўлдош Тожиевич, Тошкентдан салом. Партия конференцияси қандай ўтаётганлиги ҳақида гапириб берсангиз.

— Бажонидил. Конференция қизғин ўтмоқда. Таассуротлар бир талай. Кайфият кўтаринкилиги ҳукмрон. М. С. Горбачевнинг докладида, музокараларда сўзга чиққан нотиқларнинг нутқларида ошкоралик яққол намоён бўлиб турибди. Турғунлик йилларидаги иллатлар кескин танқид қилинмоқда, энг муҳими бундай камчиликка бундан-бўён йўл қўймаслик учун очиқ-ойдин танқидий фикрлар айтилмоқда.

— Сиз ҳам сўзга чиқишга ҳозирлик кўраяпсизми?

— Менга қачон сўз берилса, гапиришга тайёрман. Негадир оддий ишчи-делегатларнинг сўзга чиқишига кам эътибор берилди. Кеча сўзга чиққан кишилар орасида атиги тўрт ишчи бор эди. Конференция президиуми бу камчиликни тезда бартараф этиш, оддий ишчиларга кўпроқ сўз берилиши учун имкониятлар яратмоқда.

— Сиз сўзга чиққанингизда нималар ҳақида гапирган бўлур эдингиз?

— Менга сўз берилганида, биринчи навбатда ҳозирда ҳам яшаб турган бюрократликни қаттиқ танқид қилган бўлур эдим. Ўзбекистон шароитида биз таксичиларга бошқа республикалардаги ҳамкасбларимизга нисбатан кам ҳақ тўлашади. Нима учун? Бизнинг улардан қаеримиз кам. Ўрта Осиё саратонининг 40 даражали иссиғида машина ҳайдашнинг ўзи бўладими? Қардош республикаларда биз каби таксичилар кам пул топшириб кўп пул олишади. Бизда эса аксинча.

Менинг кўнглимда яна бир яхши гап бор. РСФСР Автомобиль транспорти министрлиги конференция иш кунида делегатлар ва мутахассислар учрашувини уюштириб, йиғилган муаммоларни ҳал этяпти. Биз эса бундай имкониятдан четда қолаяпмиз. Чунки мамлакат миқёсида бизнинг фикрларимизни тинглайдиган министрликнинг ўзи йўқ.

Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлиги бизнинг талабларимизни Госплан билан ҳал қилолмай овора. Нега дегинингизда ўша эски касал. Бюрократлик тўғоноқ бўляпти.

Норматив бўйича даромаднинг меҳнат ҳақига ажратиладиган бир сўми юзасидан қардош республикаларда 39, 38, 33 тийиндан ҳақ тўланади. Бизнинг Ўзбекистонда эса бу ранг 28 тийиндан иборат. Қайта қуриш амалга ошаётган бир даврда бундай муаммоларни ҳам ҳал этиш фақат самарали бўлади, деб ҳисоблайман. Ана шунда аҳолига хизмат кўрсатиш янада яхшиланади ва тезлашади. Қолган гапларни Тошкентда гаплашамиз.

— Катта раҳмат, саломат бўлинг, кўришгунча хайр!

Суҳбатни А. ПУЛАТОВ ёзиб олди.

Ленин йўлидан

УЗБЕКИСТОН ПОЙТАХТИНИНГ МЕҲНАТКАШЛАРИ XIX БУТУНИТТИФОҚ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ЗЎР ҚИЗИҚИШ ВА ЭЪТИБОР БИЛАН ЎРГАНМОҚДАЛАР.

ҲАММАСИ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Кейинги вақтларда юз бераётган революцион ўзгаришлар барча жойда ўз самарасини кўрсатмоқда. Одамларни янгича ишлашга ва яшашга ўргатаётир. Меҳнат коллективларининг ўзини ўзи бошқариш шароитидаги ҳуқуқлари тобора ошиб бораяпти. КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленумидан кейин амалга оширилган ишларни кўриб фақат қувонади киши. Трестимиз коллективи ҳам шу буюк ўзгаришларга ўзининг актив ҳаётий позицияси, зарбдор меҳнати билан салмоқли улуш қўшиб келмоқда. Шаҳримизнинг қурилиш майдонларида бинокорларимиз ишга тушираётган бир-биридан шинам замонавий уйлар янги массивларга, обод кварталларга алоҳида файз бағишлаб турибди. Ҳамшаҳарларимиз бу уйларда тинч ва фаровон турмуш кечиришмоқда. Қулайликлардан ғоят мамнун бўлишяпти. Бу биз учун қувончли ҳол, албатта. Аммо ишимизга объектив баҳо берадиган бўлсак олдимизда турган вазифаларни ҳали тўла юзага чиқариб олганимизча йўқ. Хўжалик ҳисобининг дастлабки босқичида ишларимиз бирдек текис кетмаяпти. Кўпсменалилик ҳаракати тўла йўлга қўйилмаганлиги ана шу хавфсирашларга сабабчи бўлаётир. Ўзимизнинг куч ва ғайратимиз билан албатта бу ишларни босқичма-босқич ҳал этсак бўлади. Бу муаммолардан чўчимаймиз. Чунки ишнинг қай даражада уддаланиши меҳнат коллективларининг қизғин фаолиятига боғлиқ.

Трестимизда қарор топаётган янгича иш услублари қурилиш бошқармалари ва бригадаларичизнинг мустақиллигини таъминламоқда. Бу эса ижобий ўзгаришларга эришишимизга яхши йўл очиб бераяпти. Ишга туширилаётган объектларни муддатида қурио битказишга эришаяпмиз.

Мамлакатимиз пойтахти Москвада ўз ишини давом эттираётган Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси халқ хўжалигининг барча тармоқлари қатори капитал қурилишга ҳам эътиборни янада кучайтириш зарурлигини таъкидламоқда. Радио ва телевидениедан конференциянинг ишини ҳаяжон билан кузатиб бораяпмиз. Унда кўтарилаётган масалалар мамлакатни ҳар томонлама революцион қайта қуришга қаратилмоқда. Бу ўзгаришларни такомиллаштириш омиллари узил-кесил белгилаб олинаётир. Шуниси характерлики партия йиғилишларимизнинг бирида етилган муаммоларни атрофлича ҳал этиш юзасидан делегатларга наказлар берган эдик. Бу таклиф ва истеклар атрофлича муҳокама қилиниб, юқори партия органларига билдирилганди. «КПСС XXVII съезди қарорлари қандай бажарилаётгани ва қайта қуришни чуқурлаштириш вазифалари тўғрисида» КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида қилган докладида ана шу таклиф ва истекларнинг алоҳида таъкидланганлиги қувончли ҳол бўлди. Биз бундан бениҳоя ҳаяжонландик. Трестимиз қурувчилари, коммунист ва комсомоллари ўзларининг илк таассуротларини ўртоқлашар экан, конференцияда энг муҳим ҳаётий масалалар кўрилаётганлигини алоҳида эътироф этмоқдалар ва қўллаб-қувватламоқдалар. Дилларидаги кўп йиллик орзу ва истеклари юзага чиқаётганлигидан мамнун бўлишмоқда. Биз партиямизнинг тутган йўлини қўллаб-қувватлаймиз ва қайта қуришни изчил амалга оширишдан куч-ғайратимизни аямаймиз. Ишонамизки, конференция партия ва халқ ҳаётидаги энг муҳим воқеаларнинг бири бўлиб қолади.

Н. БОНДАРЕВА,
153-қурилиш трести партия комитети секретари ўринбосари.

ХАЛҚ МАНФААТИНИ ЎЙЛАБ

Дунё нигоҳи Ватанимиз пойтахти Москвада, КПССнинг Бутуниттифоқ XIX конференцияси ўз ишини бошлаган Кремлнинг Съездлар саройига қаратилган.

Биз ҳам оиламиз билан телевидение орқали КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачевнинг докладини мароқ билан тингладик. Унда совет кишиларининг бахт-саодати ҳақида ғамхўрлик намуналари сезилиб туради.

Мен 32 йилдан бери аҳолини ёқилғи билан таъминлашдек шарафли касбда меҳнат қилиб келаяпман. Агар ўз соҳам бўйича ўтмиш билан ҳозирги даврни таққосласам, ўртада осмон билан ерча фарқ борлигини ҳис қиламан. Иш шароитлари ҳақида айтиб ўтирмасам ҳам бўлади. Илгари одамлар керосин излаб овора бўлсалар, ҳозир шаҳримизда 30 дан ортиқ автозаправка станциялари кунига минглаб одамларнинг ҳожатини чиқармоқда.

Ўз ҳаётимда кўплаб съездлар, Пленумлар ва бошқа катта-катта анжуманларнинг гувоҳи бўлганман. Лекин, ҳеч қачон ҳозиргидек, самимий, яппи манфаатдорлик бўлмаган эди. Ҳозир «Сен қайта қуриш тарафдоримисан ёки йўқми?» деган саволга бериладиган жавобга фақат амалий ишларга қараб ишониш мумкин. Шу жиҳатдан қараганда, мен меҳнат қилаётган Тошкент нефть ва нефть маҳсулотлари таъминоти бошқармаси коллективи ҳам партия анжуманини ёруғ юз билан кутиб олди. Докладдаги **«Экономика иш суръатини тобора кучайтирмоқда. Ўтган йили миллий даромад ўсишнинг ҳаммаси биринчи марта меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъминланди. Меҳнаткашларнинг реал даромадлари яна ўса бошлади. Шу беш йилликнинг икки йили мобайнида аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 4,6 процентга кўпайди.**

Ун биринчи беш йилликка нисбатан уй-жойларни фойдаланиш учун топшириш йилига 15 миллион квадрат метрга оша бошлади», дейилган жумлалар меҳнат кишиси манфаатини ўйлаб айтилгандир.

Дарҳақиқат, ўтган йиллар мобайнида коллективимиз аъзоларидан бир қанчаси янги уй-жойларга кўчиб ўтишди, баъзи хизматчилар эса турар жойларини яхшилаб олдилар. Реал даромадлар ошиши натижасида турмуш маданиятимиз ҳам яхшиланиб бормоқда.

Коллективимиз йил бошидан Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига ўзаро социалистик мусобақани авж олдириб ишлади. Мана, кўзлаган мақсадга эришдик. Шуни қувонч билан айтиш мумкинки, Тошкент области ва шаҳридаги ишлаб чиқариш корхоналари, умуман ҳаракатдаги механизмларни ёқилғи билан таъминлаш билан бир қаторда озиқ-овқат программасини амалга оширишда ҳам қатор ишларни амалга оширдик. Нефть базалар, автомобилларга бензин қуйиш станциялари майдонларига мевали дарахтлар экканмиз. Гўшт-сут масалаларини ҳам ҳал қилиш даражасига кўтардик.

Бу ҳақда ҳам конференция минбаридан айтилган гаплар бизнинг ишимиз билан ҳамоҳанглиги билиниб турибди. «Озиқ-овқатни кўпайтириш соҳасида биз эришган ютуқдар кўп жиҳатдан аҳолининг ўсиши билан боғлиқ бўлган эҳтиёжларни қоплашга кетди. Бунинг маъниси шуки, бизга озиқ-овқат ресурсларини кўпайтиришнинг бошқа, янада юқори суръатлари керак».

Юқорида таъкидланганидек, нефть базаларимизда сув ҳавзалари мавжуд. Бошқарма партия комитети, касаба союзлари ва комсомол комитети қўшма қарор қабул қилди. Сув ҳавзаларидан ҳам озиқ-овқат программасини амалга ошириш учун фойдаланишга қарор қилдик, яъни балиқ етиштиришни ҳам амалга оширмоқчимиз. Бу эса бизнинг асосий вазифамиз нефть ва нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат планига заррача ҳам таъсир этмайди. Бу бизнинг миллий даромад бирлигимиз бўлиб қолаверади.

Х. БАҲОДИРОВ,
Тошкент нефть ва нефть маҳсулотлари таъминоти бошқармасининг меҳнат ветерани.

Ҳар бир коммунист—мураббий

Тошкент тўқимачилик комбинатининг пардозлаш фабрикасига қарашли назорат-саралаш цехи ишлаб чиқариш билан харидорларни боғловчи муҳим бўғин ҳисобланади. Бу цех коллективи харидорларга фақат сифатли маҳсулот жўнатишдек масъулиятли вазифани адо этади. Шу боисдан энг аввало цех коммунистлари зиммасига улкан масъуллият юкланганлиги ҳам бежиз эмас.

— Цех партия ташкилотига 33 коммунист ва 3 партия аъзолигига номзод бирлашган, — дейди бошланғич партия ташкилоти секретари Нина Федоровна Гаева. — Коммунистларнинг ҳаммаси, тўрт пенсионер коммунистдан ташқари, партиявий топшириққа эгадирлар. Сўнгги пайтда цехда коммунистлар активлиги ошди, масъулияти, авангардлик роли кучайди. Бу айниқса, партия йиғилишларида танқид ва ўз-ўзини танқид, ошкораликни кучайтириш эвазига юзага чиқди.

Мазкур цехда асосан ёшлар меҳнат қилишади. Уларнинг кўпчилигида тажриба кам. Оқибатда 1987 йили харидорлар цех коллективига 102 та эътирознома юбордики, цех 200 минг сўмдан зиёд жарима тўлади.

Цех партия ташкилотининг навбатдаги очиқ партия йиғилишида юзага келган аҳвол атрофлича муҳокама қилинди, ишдаги камчиликлар рўйи-рост очиб ташланди. Коммунистлар, хусусан К. Сулиз цехда мураббийчилик ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги, бунда коллектив ядроси бўлган партия ташкилоти пассивлик қилаётганини таъкидлашди. Ҳолбуки, цех ишчиларининг қарийб тўқсон фоизи ёшлардан иборат бўлиб, улар тажрибали ишчилар кўмагига муҳтож. Шу боисдан ҳам мажлис аҳли ёшларга мураббийлик қилиш, уларга касб маҳоратини ўргатиш мақсадида «Ҳар бир коммунист — мураббий» деган шиор остида ишлашга қарор қилишди.

— Партия ташкилотимиз ҳисобот даври мобайнида олиб бориладиган иш планига, мажлисларда кўриладиган масалалар тартибига эга, — дейди Н. Ф. Гаева. — Аммо КПСС Марказий Комитетининг сўнгги Пленумлари, партия ва ҳукуматимизнинг бошқа муҳим қарорлари муҳокамаси, шунингдек ишлаб чиқаришда юзага келган, зудлик билан чора кўрилиши лозим бўлган масалалар муносабати билан иш планимизга доимо ўзгартиришлар киритиб борамиз.

Сўнгги пайтларда, айниқса, Тошкент области партия ташкилотларида партия сафларига қабул қилиш ва коммунистларнинг сиёсий активлигини ошириш борасида йўл қўйилган жиддий камчиликлар қаттиқ танқид қилинганидан сўнг, цех партия ташкилотида коммунистлар ўз фаолиятлари ҳақида мунтазам ҳисобот бериб боришмоқда. Ҳозиргача саккиз коммунистнинг КПСС Уставига амал қилиши ва партиявий топшириқни бажариши юзасидан ҳисоботи тингланди.

Цехимиз коммунистлари ҳисобот бераётган коммунистнинг партиявий ва ишлаб чиқариш фаолиятига жиддий, принципиал баҳо беришга ҳаракат қилмоқда. Сўнгги йиғилишлардан бирида партгруппорг, сифат назоратчиси В. Ҳолиқованинг ҳисоботи тингланди. Сўзга чиққан коммунистлар В. Холиқова ишда намуна бўлаётгани, партгруппа фаолиятини анча жонлантиргани таъкидлашди. Шу билан бир қаторда у етакчилик қилаётган партия группаси ёшларни ўз оталиғига олиш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш ишларига кам эътибор бераётганини, коммунистларга нисбатан талабчанликни ошириш зарурлигини қайд этишди.

Цех партия ташкилотининг амалга оширган ишлари, муҳокама этилган масаласи цех партия йиғилиши қабул қилган қарорлар билан танишарканмиз, эътиборимизни бир нарса ўзига жалб этди: ҳисобот даври мобайнида (сентябрдан буён) меҳнат интизоми масаласи цех партия йиғилишида тўрт маротаба кун тартибига киритилган. Бунинг боиси нимада?

Тан олиш керак: цехда меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми қониқарли эмас. Ҳолбуки, цех коллективи хўжалик юритишнинг янги иқтисодий шароитида ишламоқда. Хўжалик ҳисоби системаси ишда аниқ ҳаракатга асосланади. Шу боисдан ҳам меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, коллективнинг, унинг авангард қисми коммунистларнинг муҳим вазифаси бўлиб қолмоқда, — дейди Нина Федоровна. — Биз шу масалани тўрт маротаба (шундан уч бораси очиқ партия йиғилишида) муҳокама этганимизга қарамай, аҳвол ҳамон жиддий бўлиб қолмоқда. Прогулчилар, ишлаб чиқариш нормасини, сифат кўрсаткичини бажармовчилар ҳисобига ўн минглаб сифатли маҳсулот харидорларга, магазин пештахталарига етказиб берилмаяпти. Коллективимиз биринчи квартал топшириғини 93,9 фоизгагина адо этдики, бунда қатор бошқа сабаблар билан бирга прогулчи ва ишлаб чиқариш нормасини бажармовчиларнинг ҳам «ҳисса»си катта...

Шу ўринда бизни бир нарса ҳайрон қолдирди: меҳнат интизоми муҳокама қилинган партия йиғилишлари қарорлари икки томчи сувдек бир-бирига айнан ўхшаш, яъни «Мураббийчилик ҳаракати кучайтирилсин», «талабчанлик оширилсин», «меҳнат интизомини бузувчиларга қарши қатъий чора кўрилсин» ва ҳоказолар. Биз цех партия секретаридан мажлис қарорларининг бажарилиши юзасидан қандай конкрет тадбирлар амалга оширилаётганлигини сўрадик. Афсуски, бу саволимизга жўяли бир жавоб ололмадик. Беихтиёр шундай тасаввур туғилади: қарорлар қабул қилинади-ю, қоғозда қолиб кетаверади. Ҳолбуки, бунинг ўрнига прогулчилар, бракчилар, ишлаб чиқариш интизомини бузувчилар билан тарбиявий ишлар олиб борилса қанчалик фойдали бўларди. Ахир сиёсий-тарбиявий ишларни олиб бориш бошланғич партия ташкилотларининг асосий вазифаси-ку!

Ҳ. САИДУЛЛАЕВ,
кўп нусхали «Тўқимачилар овози» газетасининг ходими.

Истеъмолчиларга манзур бўладиган буюмлар тайёрлашни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган Мукамбар Худойбердиева шу кунларда баракали меҳнат қилиб, смена топшириқларини муваффақиятли адо этаяпти. Моҳир чевар Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси ишини давом эттираётган шу кунларда кўп ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзининг асосий мақсадига айлантирганди. Айни кунларда у яхши ишлаб, сўз ва иш бирлигини амалда таъминламоқда.

СУРАТДА: Мукамбар Худойбердиева янги буюртмани бажармоқда.

Т. Каримов фотоси.

ВЕТЕРАН № 5 (57)

Маслаҳати олтинга тенг

Биринчи смена тугади. Ҳозиргина меҳнатга йўғрилган цехга сукунат чўкди. Кейинги смена ишчилари бу пайтда ишга тушишга ҳозирлик кўришаётганди. Фурсатдан фойдаланиб ветеран ишчи, 1966 йилдан КПСС аъзоси, Ҳурмат белгиси ордени кавалери Жўра Рустамовни суҳбатга тортдик. У билан цехни айландик.

— Камалакнинг товланишини ҳеч кузатганмисиз? — тўсатдан сўраб қолди у.

— Ҳа, — дедим-у аммо нимага ишора қилаётганини ҳеч тушунмадим.

— Қаранг, камалакдан ранг олганга ўхшайди, — деди ҳамроҳим ҳар хил рангдаги кабелларни кўрсатиб. — Тўғрими?

Жўра акага қарадим. Топган шоирона ибораси ўзига ҳам маъқул тушганлиги мамнун қиёфасидан билиниб турарди. Дарҳақиқат, намунага қўйилган оппоқ, кўк, яшил, сариқ, қизғиш тусдаги кабеллар ўта жилвагар эди. Ўз меҳнат маҳсулотига қараб руҳий озиқ олаётган меҳнаткаш инсонга ҳурматим ортди.

Жўра Рустамов ҳақида завод касаба союз комитети раиси Елена Петровна Мужикова тўлқинланиб гапириб берди.

— Мен сизга бир воқеани сўзлаб берай, — дея сўз бошлади Елена Петровна,— смена орасида резина қоргич автомат совиб, қоришма қотиб қолди. Қанчаданканча пўлат резина қоришмаси бўлса-да, сифатини йўқотди. Энди уни қайтадан эритиш учун яна ҳамма ишни бошқатдан бошлаш керак.

Бу аҳвол кўпдан буён давом этиб келаяпти. Чунки смена алмашаётганида станокларни вақтинча бўлса ҳам тўхтатишга тўғри келарди. Хўш, нима қилиш керак? Ҳар бир бригада уч сменага бўлиниб ишласа қандай бўлар экан? — деб қолди Жўра бир куни. Эрталаб 10 киши, кечқурун яна ўн киши, кечаси эса қолган 10 ишчи ишлайди. Шундай қилинса, конвейер тўхтаб қолмайди.

Аввалига бу фикр баъзиларга маъқул тушмади. Бир вақтда ишга келиб кетадиган ишчилар бир-бирларига қўниқиб қолишганди. Уларни уч сменага бўлиб юбориш ҳаммага ҳам маъқул тушавермаслиги табиий эди. Лекин бригада аъзолари бу ишнинг қанчалик муҳим эканини тушунишди ва шу методда ишлашга қарор қилишди. Хуллас, Ж. Рустамов бригадаси пўлат эритиш цехида биринчи бўлиб шу ташаббусни бошлади.

Янгилик тез кунда ўз натижаларини берди. Аввало юқоридаги камчиликларга барҳам берилди. Энг муҳими маҳсулот сифати яхшиланди, меҳнат унумдорлиги бир неча баробар ошди.

«Бўлиниб» кетишни хоҳламай юрган пресслочилар билан қабул қилиб олувчилар эндиликда бир-бирларига янада маҳкамроқ боғланиб қолишди. Ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун, деган принцип корхонада тўла ўз амалий ифодасини топди. Ҳозир бригада хўжалик ҳисобига ўтиб меҳнат қилаяпти. Ҳозир бундай бригадалар сони «Средазкабель»да 30 дан ошиб кетди. Натижада маҳсулот сифати кескин яхшиланди. Ж. Рустамов бошлиқ коллектив ҳамон олдинда бормоқда.

Бригада аъзолари ойлик планларини 130 процентдан ошириб бажармоқдалар. Иккинчи квартал плани ҳам муддатидан олдин адо этилди.

Д. ОБЛАЕВ.

«Ветеран»нинг справкалар бюроси

С. ВАҲОБОВ: Уйимиз ёнида янги объект ишгайтирилиши муносабати билан бизни бошқа массивга кўчиришмоқчи. Бу массив эса биздан анча узоқда. Уйи бузилган одамлар ҳақида қонунда бу ҳақда нима дейилган?

Жавоб: Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг 1984 йил 26 сентябрдаги 494-қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон ССРда турар жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган гражданларни ҳисобга олиш ва турар жойларни тақсимлаш» ҳақидаги қоидаларининг 37-бандига биноан гражданларга яшаш учун бериладиган турар жойлар муайян аҳоли пунктининг шароитларига мувофиқ мукаммал бўлиши керак.

●

Қ. ҚАМБАРОВА: Мен меҳнат ветераниман. Ҳозир пенсияда набираларимга қараб ўтирибман. Яқинда турар жой шароитимизни яхшилаш учун бизнинг оилага ордер берилди. Айтингчи, қанча вақт ичида уйга кўчиб боришимиз керак?

Жавоб: Сизнинг оилангиз янги квартирага кўчиб кириш учун тайёр бўлган вақтдан бошлаб 30 кун мобайнида кўчиб ўтиши керак. Агар ордерда кўрсатилган бу муддатда турар жойга узрсиз сабаб билан кўчиб кирилмаса, ордер кучини йўқотиши мумкин.

●

К. Суюнов: Яқинда қўшним тўсатдан вафот этди. У турар жой шароитини яхшилаш учун иш жойида навбатда турган эди. Айтингчи, энди навбат оила аъзолари учун сақланиб қоладими?

Жавоб: Амалдаги тартибга кўра ҳисобда турган граждан вафот этса ёки бошқа доимий яшаш жойига кетса, унинг ўрнига (агар уларнинг турар жой шароитларини яхшилашга муҳтожликларини тан олиш учун асос ўз холича қолган бўлса) унинг оила аъзосидан бири ҳисобга қабул қилинади. Бунда иш жойи бўйича турар жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлганларнинг ҳисобига оила аъзоси (агар у ўша корхонада, муассаса, ташкилотда ишлаётган бўлсагина) қабул қилинади, ҳисобда турган граждан ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги натижасида вафот этган ҳолларда эса, оиланинг бошқа аъзоси ҳисобга олинади.

А. ҲАСАНОВ,
юрисконсульт.

Ибратли умр

Умр оқар дарё дейдилар. Дарҳақиқат, кишининг ҳар бир куни дарё сувидек оқиб ўтаверади. Оқар сув гоҳ, тиниб, гоҳ қирғоқларга урилиб оққанидек, инсон ҳаёти ҳам гоҳ қувончли, гоҳ ташвишли кечади. Инсон иродаси шундайки, у ҳаммасига бардош бера олади. Ана шу иродаси туфайли у ўз бахтини яратади. Бахт инсоннинг ўз қўллари, ҳалол меҳнати туфайлигина амалга ошади. Шоир айтганидек:

Тақдирни қўл билан яратур одам,
Ғойибдан келажак бахт бир афсона!

1954 йилдан бери КПСС аъзоси Аҳмаджон Еқубжоновнинг ибратли ҳаёт йўлини ўйлаганимда ана шу мисралар ёдга келади. Киши ҳавас қилса арзигудек йўлни босиб ўтган, биринчилар қатори 1926 йили Й. Охунбобоев номли медицина билим юртини битирган ёш мутахассис Қашқадарё областида ўз меҳнат фаолиятини бошлади. Сўнгра бу билим етарли эмаслигини ҳис этгач, 1933 йил Тошкент Давлат медицина институтини битириб, терапевтлик касбини эгаллади.

Аҳмаджон фашист газандалари Ватанимизга хоинона бостириб кирганида кўнгиллилар қатори жангга отланди. Унинг қисми Термизда қисқа тайёргарликдан ўтгач, фронтга жўнатилди. А. Еқубжонов медицина-санитария бўлимига бошлиқ этиб тайинланди. Жанг майдонларида ўлим билан юзма-юз хизматни ўташга тўғри келди. Москва учун бўлган жангларнинг жонли гувоҳи бўлди.

Москва остоналарида ҳаётмамот жанглари бўлаётган бир пайтда госпиталга душман бомба ташлаб портлатгани, ярадорларга ёрдам бериш қанчалик қийин бўлганлигини, врачлар неча кунлар тиним билмай ишлашганини ҳамон кечагидек эслайди. Ўзбек ҳалоскор жангчиси Ғарбий фронтда 316-ўқчи дивизиясида ҳарбий врач сифатида ярадорларга қайта ҳаёт бағишлаб, яна жанг майдонларига қайтишлари учун бор меҳри-муҳаббатини, тажрибасини ишга солди.

Собиқ ҳарбий врач фронтдан зафар қучиб қайтгач, яна ҳалоскор сифатида тинмай меҳнат қилди. У дастлаб Қозоғистоннинг Қоратош районида касалхона бош врачи бўлиб, сўнгра Тожикистоннинг Нов районида ишлади. Кейинги йилларда Киров районидаги поликлиникаларда врач-терапевт бўлиб ишлаб келди. Ҳа, шифокор ярим асрдан ортиқ вақт ҳалол меҳнати билан кишилар саломатлиги йўлида меҳнат қилди.

Ҳозир Аҳмаджон ака 84 ёшдалар. Лекин ҳали жуда тетиклар. Ҳамон яхшилар даврасида, баҳоли қудрат хизматда халқ тили ва дилидалар.

Биз шу ёшда ўзини тетик тутиб юришининг боисини қидирдик. Нимада, деб сўраганимизда: «Дадил айтаманки, ҳалолликда, меҳнатда», дедилар.

Кейинги пайтларда отахон 20,70,143-мактаб ўқувчилари билан учрашувлар ўтказдилар. Ўқувчиларга қаҳрамон пионер, комсомоллар ҳақида, уруш лавҳалари ҳақида сўзлаб бердилар. Ёшларнинг ҳар томонлама етук кишилар бўлиб етишишлари учун аъло ўқиши, меҳнат қилиши зарурлигини қайта-қайта уқтиради.

Отахон Киров районидаги «Туркқўрғон» маҳалла активларидан бири. Яқинда маҳалла отахонлари ташаббуси билан янги клуб — чойхона ишга тушди. Бу ишга жамоатчилик ёрдам берди. Бу ерда таълим тарбияга оид ибратли ишлар олиб бориляпти. Отахоннинг ҳамшира Тожи ая билан турмуш қуришганига ҳам 60 йил бўлди. Уларнинг ҳаётини ҳар томонлама ёшларга ибрат қилиб кўрсатса арзийди, албатта.

Отахоннинг фарзандлари ҳам енгил-елпи касбни танлашмади, ота изидан боришди. Санъат — химия фанлари кандидати, Тўлқин — мактабда ўқитувчи, Лола — рус тили ўқитувчиси, Озод — шифокор, Дилшод — ишчи, хуллас, ҳаммалари ҳалол меҳнат йўлида фидойи!

Биз А. Еқубжоновнинг кўкси тўла мукофотларини санаб ўтирмадик. Халқ эътиборини қозониш, элга муносиб фарзандларни тарбиялаб вояга етказиш—бу энг олий мукофот эмасми? Ярим асрдан ортиқ бир касбда меҳнат қилиш одамийлик ва шижоатнинг яққол намунаси, фидойиликнинг исботи эмасми? Ота республика аҳамиятидаги шахсий пенсионер, оила ва бутун маҳалланинг азиз ва мўътабар кишисидир.

С. СУЛТОНОВ,
«Тошкент оқшоми»нинг жамоатчи мухбири.

Ёзги таътилларини сўлим оромгоҳларда ўтказаётган мактаб ўқувчиларининг ҳар бир куни ўзига хос, такрорланмас воқеаларга бой бўлаяпти. Акмал Икромов районидаги «Костёр» пионер лагерида ҳам яқинда ана шундай қувончли лаҳзалар бўлиб ўтди. 300 га яқин ўғил-қиз ҳордиқ чиқараётган бу файзли масканга 1941 йилдан КПСС аъзоси, партия, комсомол, уруш ва меҳнат ветерани, 80 баҳорни қаршилаш арафасида турган тиниб-тинчимас отахон Қаюм ака Қосимов ташриф буюрди. Пионер ва ўқувчилар билан бўлиб ўтган қизиқарли учрашув чоғида Қаюм ака болалик йиллари, Улуғ Ватан уруши даврида кўрсатилган жасорат ва халқимиз эришган мислсиз ғалабанинг оламшумул тарихий аҳамияти ҳақида гапириб берди. Ёшларни она-Ватанимизни севишга, унга муносиб фарзандлар бўлиб етишишга чақирди.

Учрашув ғоят қизиқарли ўтди.

СУРАТЛАРДА: Акмал Икромов райони уруш ва меҳнат ветеранлари Советининг аъзоси Қаюм ака Қосимов (ўнгда); учрашув пайти.

З. Соколов фотолари.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ЕЗАДИЛАР

Телетайп лентасидан

ВАШИНГТОН. АҚШ конгресси сенатининг ташқи ишлар комитетида унинг бир қанча аъзолари ирқчилар режимига қарши иқтисодий жазо чораларини қўлланишга Рейган маъмуриятининг қаршилик қилаётганини қаттиқ танқид қилдилар ва Қўшма Штатлар билан Жанубий Африка Республикаси ўртасидаги савдо-сотиқни бутунлай тўхтатишни ёқлаб чиқдилар.

Сўнгги вақтда Жанубий Африкадаги аҳвол яхшиланмади, балки ёмонлашди. Бироқ АҚШнинг ЖАР билан «амалий ҳамкорлиги» аввалгидек давом этмоқда, деди демократ сенатор Алан Крэнстон. У маъмурият ЖАРга қарши иқтисодий жазо чораларини қўлланишга қаршилик кўрсатаётганини, аммо дунёнинг бошқа районларида бундай чораларни қўлланишга тайёр эканлиги хусусида алоҳида ташвишланиб гапирди.

ЖАР билан савдо-сотиқни тўхтатиш тўғрисидаги қонун лойиҳасининг авторларидан бири демократ сенатор Эдвард Кеннеди АҚШ «ЖАРнинг янги репрессия чораларига жавобан янги жазо чораларини қўлланиш ўрнига БМТ хавфсизлик кенгашининг мажбурий иқтисодий чоралар кўришга даъват этувчи резолюциясига нисбатан вето ҳуқуқидан фойдаланиб, апартеидни ҳимоя қилди», деди.

МАНАГУА. Контрреволюциячи каллакесарлар июнь ойининг охиригача ҳарбий ҳаракатлардан тийилиб туриш тўғрисида ўз зиммаларига мажбурият олганига қарамай, тинч аҳолига қарши террорчилик хуружларини давом эттирмоқдалар.

Куни-кеча яна 4 никарагуалик улар жиноятининг қурбони бўлди. «Радио Сандино» радиостанциясининг хабар қилишига қараганда, каллакесарлар Хинотега яқинида иккита бола тушган енгил автомобилни пистирмадан ўққа тутдилар. Улар болаларни совуққонлик билан отиб ташлаб, ғойиб бўлдилар. Яқинда контраслар шу районда йўлга яна битта пистирма қўйдилар, натижада 3 деҳқон ҳалок бўлди ва уч киши оғир жароҳатланди.

Совет—Бельгия маслаҳатлашувлари

БРЮССЕЛЬ. Бельгия ташқи алоқалар министрлиги биносида химиявий қуролларни тақиқлаш масалалари юзасидан Совет—Бельгия маслаҳатлашувлари бўлиб ўтди.

Иккала мамлакат экспертлари музокараларда ялпи қирғин қуролининг ана шу турини батамом тугатиш ва тақиқлаш тўғрисидаги кўп томонлама конвенция тузишга доир музокаралардаги ишларнинг аҳволини муфассал муҳокама қилдилар.

Ана шундай конвенцияни тезроқ тузиш кечиктириб бўлмайдиган вазифа эканлиги, халқаро ҳамжамиятда химиявий қуролга нисбатан маънавий-сиёсий муросасизликни кучайтириш зарурлиги уқтириб ўтилди.

«Тинчлик карвони» Критга етиб келди

АФИНА. «Тинчлик карвони» Грециянинг Крит оролидаги Ханья портига етиб келди. Хорижий ҳарбий базаларни тугатиш учун курашувчи Умумгреция комитети ташаббуси билан уюштирилган бу карвон 17 июнь куни йўлга чиққан эди. Тинчлик юриши қатнашчилари мамлакатнинг турли шаҳарларида кўплаб жамоат ташкилотлари вакиллари билан бирга урушга қарши митинг ва йиғилишлар ўтказдилар. Бу тадбирларда АҚШ ҳарбий объектлари Грециядан чиқариб юборилиши талаб қилинди. Юришнинг сўнгги марраси бўлган Ханьяда тинчлик карвони қатнашчиларини урушга қарши маҳаллий ташкилотлар активлари табриклаб кутиб олдилар.

Объективда—ГФР

Кўҳна Тюбинген шаҳри марказидаги чорраҳалардан бирида ноёб светофор ўрнатилган. Унинг тепасига «Моторни ўчиринг. Яшил чироқ «12» да ёнади» деб ёзилган лавҳача ўрнатилган. Қизил чироқ «циферблати»даги ҳаракат қилувчи миллар транспорт ҳайдовчиларига ёқиб қолди: бу ёнилғини тежашда ёрдам бераяпти, маҳаллий аҳоли эса шундай қилиб бундан буён ҳавонинг ифлосланиш даражаси камайиб боради, деб таҳмин қилаяпти.

Калейдоскоп

ҚИММАТБАҲО ҲАССА

Тайбэй (Тайвань) аэропортининг божхона залида тайвандлик басавлат коммерсант кутилмаганда тош полга ҳассасини тушириб юборди. Ҳасса тошга урилгач металл овози эшитилди. Бу божхонанинг ёш ходими Цзи-Чуклини шубҳалантирди. Шундан сўнг ҳассани синчиклаб текширишди: унинг қалинлиги 3 сантиметр ва узунлиги 80 сантиметр бўлган платинадан ясалган симига бриллиант, зумрад, ёқут, топаз, марварид кўзли 57 та тилла ва платина узук олтиндан ясалган юпқа қоғозга ўраб жойланган экан. Соф платинадан ясалган ҳассанинг балдоғи ичига эса 35 та йирик зумрад ва бошқа қимматбаҳо тошлар жойланган экан. Ҳассанинг жами қиймати тахминан 955 минг америка доллари билан баҳоланади, деб хабар беради Австрияда чиқадиган «Фольксштиммме» газетаси. Ҳассанинг устки қисми рентген нурларини ютувчи махсус қора дарахтни эслатувчи полимер лак билан қопланган бўлиб, шу сабабли интроскоп ёрдамида ўтказилган текширув ўз самарасини бермаган экан.

ҚУЛОЛЛИК УЧУН ЖАРИМА

Сингапур ҳукумати ана шу орол давлати гражданларини «мутлақо хушмуомала кишиларга» айлантиришнинг ўн йиллик программасини тайёрлади. Мазкур оролда 2,6 миллион киши истиқомат қилади.

Ана шу программага мувофиқ менсимаслик, қўполлик хизматчиларнинг ўз касбига нолойиқлиги сифатида талқин этилади. Муайян бир шикоят текширувдан сўнг хизматчининг лавозимини пасайтириш ёки уни ишдан бўшатиш учун сабаб бўлиши мумкин. «Хушмуомалалик ҳаётни янада гўзал қилади» — Сингапур муассасалари ва магазиналарида ана шу мазмундаги шиорлар пайдо бўлди, деб хабар беради Болгарияда чиқадиган «Труд» газетаси.

Саховат

Осмонда Қуёш чарақлайди. Ҳароратдан кўзлар қамашади. Дарахтларда олтиндек ўриклар, қирмизи олчалар кўзни олгудек товланади. Олмаларнинг юзи тарам-тарам нақш касб этади.

Аввалгидек қушлар чуғур-чуғури қулоқларни қоматга келтирмайди. Ҳамма ўзини соя-салқинга уради. Анҳорларнинг соҳиллари гавжумлашиб кетди. Тоғ бағридаги сўлим масканлар қайта ғуборларни симириб олди. Ер ҳам қизий бошлади. У жамики мавжудотларларнинг оҳига етиб, Она Ер бағридан уйғонгандек. У ерда дам олувчиларнинг шодон қаҳ-қаҳалари янграйди.

Бу йилги ёзнинг таровати ўзгача келди. Баҳорнинг узлуксиз ёмғирларига тўйинган кўкатлар Қуёшнинг ҳаётбахш нурларига интиқ бўлиб кўкка боқдилар. Бобо Қуёш ҳам булутсиз фалак тоқига оҳиста кезаркан, гул-гиёҳнинг илдизига ҳарорат бахш этди, бағридаги оташ билан илитди.

Шундай пайтда бепоён далаларга бир боқинг. Бир-бирга уланиб кетган пайкалларда помидорлар, пиёзу картошкалар — қўйинг-чи, деҳқоннинг пешона тери табаррук қилган ноз-неъматлар қулф уриб ётибди. Булар Она ернинг, Қуёшнинг, Ёзнинг саховати. Буларнинг номи тўкинчилик!

Пахта далаларида бир сафга солдатдек тизилган ғўзалар кундузи нурни, тунлари зилол сувни симиради. Ҳар куни бир энлик бўй чўзади, қад ростлайди.

Ёзнинг оташхонаси ҳамма ерга баробар олов пуркайди. Бугун кўрган ғўра мевалар эртага ёқут ранг олади. Табиат бағри ана шундай минг бир ҳикматга кондир.

Олтин ёз.

Айни пишиқчилик бошланадиган кезлар. Айниқса, шу кунларда бозор ораласангиз, пештахталардаги ноз-неъматларни кўриб, юрагингиз бир энтикади. Ёзга, гарчанд у жазирама бўлса ҳам, меҳрингиз ошади.

Ёз ўз бағрига чорлайди. Сўлим гўшаларга чақиради. Қаёққа қараманг, ёз саховати.

Она табиат

I

Ҳикматга бой, она табиат,
Жўшқинкордир баҳорнинг бунча.
Ёқмоқликка этади даъват, —
Чақмоқларинг шиддатли шунча.
— Гулла, қулф ур! — дея онма-он,
Гуриллатдинг яшнамоқ ҳиссни.
Гул либосга бурканмиш жаҳон,
Таратмишдир анқиган исни.
Бўй чўзмоқда янги ниҳоллар,
Кўнгилларга тўлдириб ҳавас.
Бағишлайди кўрку камоллар,
Дилбариқдан уфурдинг нафас.
Новдаларда кулган чечаклар,
Нишонадир нафосатингдан.
Оппоқ шуъла инган безаклар
Аломатку карорматингдан.

II

Ишчиларнинг юракларида,
Сен уйғотган иштиёқ жўшар.
Кашфиётчи идрокларида,
Кўкламингнинг рағбати тошар.
Дон, зар ишқи билан тер тўкар
Деҳқондаги яловбардорлик,
Белларида ҳимматдан камар,
Боғбондаги мардонаворлик.
Пиллакору, соҳибкор завқи,
Чўпондаги қизғин руҳият.
Яна қанча касбу кор шавқи,
Камолингдан, она табиат!
Ошиқдаги қайноқ эҳтирос,
Маъшуқдаги сўнгсиз ҳаяжон,
Қўшиқчингдир булбул хушовоз,
Гуллар узра роз айтган ҳар он.
Ижодкорнинг илҳомларида
Жозибангу тошқинлигинг жам.
Бедор кечган оқшомларида
Ёниқ ҳиссинг, туйғунг мужассам.
Ҳикматга бой она табиат,
Сеҳрларинг беқиёс шунча.
Айлар мафтун, маҳлиё ҳарвақт,
Жозибадор бўлмасанг бунча!

Рўзи ҚОДИРИЙ.

Мактаб яратган олим

Ҳозирги вақтда экологиядан нуфузлироқ ва муҳим фанни топиш қийин. Чунки тирик организмлар, яъни ўсимлик, ҳайвонлар, микроорганизмлар ва инсон билан табиат ўртасидаги ўзаро муносабатлар узвий алоқадорлигини тадқиқ этувчи бу фан ҳозирги кунда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг илмий асослари ҳақидаги энг актуал комплекс фанга айланиб бормоқда. Бу гунги кунда экологик таълим ва тарбия коммунистик ахлоқнинг муҳим таркибий қисмига айланди.

Экология фанининг энг ёркин намояндаларидан бири, совет экология мактабининг асосчиси, атоқли олим Даниил Николаевич Кашкаров 20-30 йилларда Тошкентда яшаб, ижод этганлиги билан ҳақли равишда фахрланамиз. Айни вақтда улкан олим таваллудининг 110 йиллиги муносабати билан унинг серқирра ижодига, катта ижтимоий фаолиятига ҳурмат ва эҳтиром билан назар ташлаймиз, унинг ажойиб илмий муваффақиятлари билан фахрланамиз.

Суронли йилларда, инқилоб тўлқинларида ташкил топган Тошкент Давлат университетининг ажойиб ташкилотчиси ва арбоблари орасида улкан қалб эгаси, атоқли зоолог, табиатшунос олим Д. Н. Кашкаровнинг (1878—1941) номи алоҳида ўрин тутади.

Улуғ Октябрь ғалабасидан сўнг ғайрат-шижоати айниқса жўш урган, ўзининг сермазмун ҳаётини илм-фан равнақига тўла бахш этган бу аллома ўлкамизнинг етакчи ботаниги Е. П. Коровин билан ижодий ҳамкорликда яратган ўзига хос экология-география мактаби совет экология фанининг илмий асосларини белгилаб берди.

Ўз илмий фаолиятини балиқлар қиёсий морфологияси бўйича бошлаган Д. Н. Кашкаров 1916 йилда магистрлик диссертациясини ёқлагач, машҳур зоолог, академик М. А. Мензбир раҳбарлик қилган зоология кафедрасида доцент лавозимида ишлади. У ўз ҳамкасблари орасида педагогик маҳорати ва илмий тадқиқот ишларининг юксак назарий савияси билан ажралиб турар эди.

Д. Н. Кашкаров 1919 йил Москвада Туркистон—ҳозирги Тошкент Давлат университетига профессор этиб сайланди ва биринчи эшелонда 72 кунлик машаққатли сафардан сўнг 1920 йилнинг 12 апрелида Тошкент шаҳрига етиб келди. Шундан сўнг олим ижодида бутунлай янги босқич бошланди. Ўрта Осиёнинг ўзига хос ажойиб табиати: хилма-хил ландшафтлари, ресурслари, тафовутларга бой экологик шароити, бетакрор органик дунёси ниҳоятда кузатувчан, серфикр ва зукко олим эътиборини дарҳол ўзига тортди. У бу ажойиб ўлканинг доимий мафтуни бўлиб қолди, энг йирик, оригинал асарларини унга бағишлади.

У тадбиркор ва ташаббускор ташкилотчи сифатида университетнинг физика-математика, медицина ва қишлоқ хўжалиги факультетларини ташкил этишда фаол иштирок этди, умуртқали ҳайвонлар зоологияси кафедрасини тузиб, унга раҳбарлик қилди. Бу кафедра қисқа вақт ичида ўлкада зоологик ва экологик тадқиқотларнинг асосий марказига айланди. Д. Н. Кашкаров Тошкентда яшаган 1920 — 1933 йиллар Туркистон—Ўрта Осиё илмий жамиятининг раиси, ўлка география жамиятининг арбобларидан бири, Ўрта Осиё Бош музейи зоология бўлимининг раҳбари сифатида катта илмий ва ташкилотчилик ишларини олиб борди.

Энг муҳими шуки, давр талқозоси ва ўлка табиатининг ўзига хос хусусиятлари таъсирида олим ўзининг шундан кейинги бутун ҳаётини янги, истиқболли фан — экологияга бағишлади ва бу соҳада совет экологиясининг энг йирик арбоби ва асосчиларидан бирига айланди. Д. Н. Кашкаров мамлакатимизда биринчилар қатори экология ва биоценология курсини яратди, шу асосда «Муҳит ва туркум» (1933 йил) номли илк йирик экологик асарини Москвада чоп эттирди. Бу капитал асар совет экологиясининг назарий асосларини яратишда ҳал қилувчи роль ўйнади ва у дастлабки совет экологларининг бутун бир плеядаси учун дастуруламал бўлди.

Олимнинг экологик тасаввурлари кўлами жиҳатидан кенг бўлиб, улар аксарият умуммиллий аҳамиятга моликдир. Олим умумлашмаларида илғор биологик, географик, фалсафий ва эстетик ғоялар ажиб бир ҳамкорликда уйғунлашганки, улар яхлит бир концепцияни ташкил этади.

Д. Н. Кашкаров ўз маслакдоши Е. П. Коровин билан биргаликда ўлкамиз табиатини комплекс ўрганиш, айниқса, чўллар ва баланд тоғларни ўзлаштириш муаммоларини тадқиқ этишда жонбозлик кўрсатди. Уларнинг қаламига мансуб «Чўллар ҳаёти: чўллар экологияси ва уларни ўзлаштиришга кириш» монографияси ҳанузгача илмий аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Тадбиркор олим экологик тадқиқотларни амалиёт билан боғлашга алоҳида эътибор берди. Бу борада унинг ўлка табиатини муҳофаза қилиш, илк қўриқхоналарни ташкил этишни илмий жиҳатдан асослаб бериш ва айниқса, уй ҳайвонлари экологиясини яратишга оид ишлари таҳсинга сазовор. У мамлакатимизда биринчи бўлиб уй ҳайвонлари экологияси илмий йўқолишини яратди.

Д. Н. Кашкаров устоз сифатида ўз илмий мактабига мансуб экологларнинг катта бир группасини тарбиялаб вояга етказди.

Унинг 40 дан ортиқ шогирдлари сафида академик С. С. Шварц, Н. И. Калабуков, А. С. Мальчевский, Т. З. Зоҳидов, Н. В. Минин, Н. И. Колесников, Р. Н. Мекленбурцев, Х. С. Солиҳбоев, Г. С. Султонов ва бошқалар бор.

Д. Н. Кашкаров улкан олимгина бўлиб қолмай, ажойиб мўйқалам устаси, табиат куйчиси ва нодир илмий-оммабоп асарлар муаллифидир. Серқирра ижод соҳиби бўлмиш олимнинг «Туркистон ҳайвонлари» (1931) номли шоҳ асарини ажойиб сўз устасининг беқиёс қобилиятига ўрнатилган ҳайкал деса бўлади. Бу китоб бадиий асар каби завқшавқ билан ўқилади, ўлкамизнинг бепоён чўлларию юксак тоғлари, гуллаган воҳа ҳамда водийлари манзарасини ўқувчи кўз ўнгида яққол жонлантиради.

Мамлакатимиз илмий жамоатчилиги улкан олимнинг 110 йиллигини нишонлади. Ушбу сана В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг илм аҳли учун, айниқса, мўътабардир. Зеро, совет экологиясининг асосчиси ва Ўрта Осиё табиатининг улкан тадқиқотчиси Д. Н. Кашкаровнинг номи Тошкент Давлат университети шонли тарихининг саҳифаларидан муносиб ўрин олган.

Р. РАҲИМБЕКОВ,
В. И. Ленин номидаги ТошДУ доценти, СССР Журналистлар союзи аъзоси.

А. СОАТОВ,
ТошДУ ўқитувчиси, СССР география жамиятининг ҳақиқий аъзоси.

Бу—қизиқ

«Бақа кўзи» қандай қурилма?

Ҳозирги давримизнинг уч баҳодири — Фан, Техника ва Технологиядан иборат бўлиб, шу уч баҳодирларнинг нозик «сир»ларини билмай, доимий бир-бирига боғлиқлигини ўрганмай туриб, уларнинг жамиятимиз тараққиётида тутган беқиёс ролини белгилаш мушкул.

Уларнинг биринчиси бўлган Фан — янги ва ажойиб ғоялар манбаидир. Иккинчиси — Техника эса ана шу ғоялар асосида яратилган турли механизм ва машиналарни ўз ичига олади. Учинчи баҳодир, яъни Технология фан асосида яратилиб, техника ёрдамида юзага келадиган ва ишлаб чиқариш жараёнларида қўлланиладиган усул ҳамда методларни ўзида мужассам этади.

Мана шу уч баҳодир жамият ривожига жуда катта таъсир кўрсатади.

1956 йили республикамизда жонли ва жонсиз мавжудотлар ҳамда улар ўртасидаги алоқани бошқариш принципларининг умумийлиги асосида фанларни янгитдан бирлаштириш, яхлитлаштириш йўлида биринчи қадам ташланди.

Академик А. И. Берг бионика фанига бағишлаб ўтказилган бионик олимларнинг 1963 йилда ўтказилган 1 Бутунитифоқ конференциясида сўзлаб, бундай деган эди: «Табиатда мақбул метод ва усуллар ҳамда амалга оширилаётган қўлланмаларнинг ҳаммаси ҳам бугунги илғор саноат ишлаб чиқариш техникамизда тўла равишда ярайверади, дейиш тўғри бўлмайди. Биологик системаларда кузатиладиган иш жараёнларининг тезлиги ҳозирги замон фан ва техника талабини қониқтирмаяпти». Шунинг учун ҳам бионика фани табиатдан нусха кўчиришдан эмас, балки биологик системаларнинг энг янги, такомиллашган конструктив схемалари ва механизмларини ўзлаштиришга ҳаракат қилади.

Ер шарининг барча ҳаво йўллари йилдан-йилга серқатнов бўлмоқда. Шунга кўра «ҳаводаги ҳаракат»ни тартибга солувчилар аэропортлардаги диспетчерларнинг аниқ ишлашига талаб ортиб бормоқда. Лекин баъзан энг тажрибали диспетчер ҳам янглишиши мумкин. Натижада нохуш ҳоллар рўй беради. Текширишдан шундай хулоса келиб чиқадики, диспетчер ғоят кўп миқдордаги хилма-хил маълумотлар билан иш кўриши натижасида у иккинчи сигналга эътибор бериб, асосий сигнал бўйича эътиборни сусайтириб қўяди. Шундай экан, асосий диққат ва эътиборни кучайтириш имконини изламоқ керак бўлади.

Бионика фани айни шундай имкониятларни излаб топди. Фан ва техника ютуқлари натижасида фазодаги ҳаракатларни тартибга солиб ҳамда аэропортлардаги диспетчерларнинг аниқ ишлашига ёрдам берадиган «Бақа кўзи» деб номланувчи қурилма ихтиро этилди. Бу қурилма бақанинг кўриш аппарати иши асосидаги ғоянинг техник жиҳатдан амалга оширилишидан иборат.

Бақанинг ҳаёти ўзининг кўриш аппарати ишига боғлиқ бўлиб, кўзи ов қилишда ёрдам беради. Ов пайтида эса унинг миясида ишланадиган асосий маълумот кўзлари орқали келади. Биз образларни ғоят хилма-хил шароитда таниб олганимиз каби бақа табиий шароитларда, қоронғида бўлса ҳам емишини кўриб, тутиб олади. Кўз тўрпардасидаги тасвир бақа миясига кўриш нерви орқали яхлит кўчмайди, балки элементларигина ўтади. Кўриш мияга тасвирнинг кодланган нерви толаларининг қар бир группаси миядаги нерв учларининг тегишли қатламига бир турдаги хабарларни узатиш учунгина хизмат қилади. Бақа миясида тўртта қатлам бўлиб, уларда тасвирни ўзгартириш жараёни рўй беради. «Бақа кўзи» қурилмасининг асосий қисми кетма-кет жойлаштирилган ва тасвир сигналларини анализ қилувчи бир хилдаги ҳисоблаш машиналаридан иборат. Тасвир мингдан эшёд фотоэлементи бўлган экранга туширилади. Бу фотоэлементлар кўз тўрпарда ҳужайраси ролини бажаради. Шундан кейин маълумот бир қатламдан иккинчи қатламга ўтиб, шу ерда нераклий ҳамда нераксиз маълумотларга бўлинади. Зарур маълумот неон лампаларининг ёруғлик нури орқали бир қатламдан иккинчи қатламга ўтказилади ва уни фотоқаршилик қабул қилади.

Ҳозирги вақтда бундай қурилма аэропорт устидаги вазиятни хавфсизлик нуқтаи назаридан муттасил таҳлил қилиб боради. Шу билан бирга хавфли вазият вужудга келиб, самолётлардан бирини четлаштиришга команда бериш зарур бўлиб қолса, шу команда қайсинисига берилиши нераклигини тезлик билан ҳал этади.

Учувчилар ва аэропорт диспетчерлари «бундай техник система учиш ва қўниш хавфсизлигини жуда яхши таъминлайди», деб юқори баҳоламоқдалар.

Ташқи дунё хусусида олинган барча маълумотларнинг 90 процентидан ошиғи бионик системага кўз орқали ўтади. Шунинг учун олимларимиз кўзни «сиртқи мия» деб аташлари бежиз эмас, албатта. Она табиат яратган кўриш анализаторини бионик система жиҳатидан тадқиқ этиш ёш бионика фанининг асосий соҳаларидан биридир.

Т. МАҲМУДОВ,
биолог.

Лаҳзалар

Боғда ўйнар болалар
ҳайратга тўлиб,
Назаримда табиат
завқланиб, кулиб,
Ўргилади, суюниб
улар бошидан,
Гул ундириб тупроғу
ҳатто тошидан.
Унутмайлик, одамлар,
муқаддас бурчни:
Табиатни асрайлик,
болалар учун!

●

Ҳориб-чарчаб чўккан,
мисли нортуя,
Ўркач-ўркач тоғлар
ётар пурвиқор.
Дарахтларни сийпар
майин шаббода,
Сой сувн шилдирар,
қўшиғи дилдор.
Боқасан, ўйлайсан,
ажиб манзара
Ширин, оҳанрабо
туюлар ҳаёт.
Бунда сен ёлғизсан,
тоғлар ҳам ёлғиз,
Сукунат ёлғиздир,
ёлғиз тулпор от!

Н. Шарипов ва В. Тўраев фотоэтюдлари.

Олтин оққан сой

Фарғона шаҳридан чиқиб, Водил томон йўл олар экансиз, қаршингизда шарқдан ғарбга томон қулоч ёйиб ястанган тоғ тизмаси намоён бўлади. Унинг этакларида Сўх воҳаси жойлашган. Узунлиги ўттиз, кенглиги олти-саккиз километрли бу воҳа ўзининг бегубор осмони, зилол сувли чашмалари, ранг-баранг тошлари ва хушманзара ўсимликлари билан кишини мафтун этади.

Воҳанинг жануб томонида найзасимон чўққилари осмонга бўй чўзган Олой тизмаси қад кўтарган бўлса, шимол томонида Қатрон тоғлари ястаниб ётибди, шарқида маҳаллий аҳоли таъбири билан айтганда, Ҳайдаркониинг «қулоғи» бўлмиш Метинбел довони бор.

Ёз фасли эди. Палаткаларимиз Сўх қишлоғига яқин, Сўх дарёси соҳилидаги ялангликка жойлашган. Эрталаб барвақт туриб, ҳамроҳим Леонид Николаевич Кугураков билан Олтинжилғасой бўйлаб марказий Олой сари кўтарила бошладик.

— Бугунги маршрутимиз бироз қийинроқ бўлса ҳам, лекин қизиқарли бўлиши керак, — деб гап қотди менга Леонид Николаевич.

Биз қатламлардан бир неча намуналар олиб кўздан кечирдик. Йўлмизда давом этиб яна баландга юрдик. Энди сўқмоқлар деярли йўқолиб, тик қиррали қоялар бошланди. Шунинг учун илгарилаб боришимиз тобора қийинлашди. Ниҳоят, харитада олдиндан белгилаб қўйилган жойга етиб келдик. Бироз дам олгач, оёқларимиз остида сочилиб ётган тоғ жинсларини қунт билан текшира бошладик. Мен маълум тартиб билан жинслардан тегишли намуналар олсам, Леонид Николаевич лупа билан уларни синчиклаб кўздан кечирар ва алланималарни ўйлаб, фикрга толарди.

Бу ердаги қатламлар, асосан, оҳактош ва қумтошлардан иборат бўлиб, уларнинг таркибида кварц бўлмаган отқинди тоғ жинслари ёриб чиққан эди. Айниқса, кварц томирлари отқинди жинслар билан бир-бирини кесиб ўтиши хусусиятлари нодир металлар учрайдиган қатламларга хос белгилар эди. Бу қонуният Ленин мукофоти лауреати, профессор И. Ҳамроев боевнинг Ғарбий Ўзбекистондаги Мурунтов олтин конининг очилишига асос бўлган геологик кўрсатмаларида қайд этилган.

— Мана, буларни кўринг, ахир нодир металларнинг зарраларини-ку! — деди Кугураков тоғ жинси билан лупани менга узатаркан.

Синчиклаб қарасам, ҳақиқатан ҳам, қўлимдаги тоғ жинсида ялт-юлт қилиб нур сочаётган сариғиш рангли олтин заррачалари кўзга яққол ташланар эди. Иккимиз ҳам бу топилмадан жуда хурсанд бўлдик. Қўлимиздаги кабн тоғ жинслари бу ерларда кўп эди. Улардан намуналар олиб, халталарга солдик. Шундан кейин бу жойда олтинга алоқадор қатламлар борлигини аниқладик.

Юқорида тилга олинган сойнинг номи, маҳаллий аҳоли ўртасида нима учун «Олтинжилғасой» (яъни олтин оққан сой) деб юритилиб келингани бизга энди аён бўлди.

И. Ҳамробоев ва Ҳ. Раҳматуллаевларнинг «Фан ва турмуш» журнали 1972 йил биринчи сонида босилган «Ўзбек олтинининг софлиги 99,99 процент» сарлавҳали мақоласида ҳам бу ҳол, яъни номлари олтин билан боғлиқ бўлган жойлардан олтин топилиши мумкинлиги қайд қилинади. Бу фикр бизнинг геологик қидирув ишларимиз вақтида яна бир бор тасдиқланди.

Сўх воҳасида топилган мазкур қатламлар келгусида Олой тизмалари сирини очса ҳам ажаб эмас.

С. ИСҲОҚОВ,
Тошкент политехника институтининг доценти.

Ранжитган бўлсак узр

Носоз тарозими ёки виждон?

Тошкентдай шаҳри азимда нима кўп магазин кўп, дўкон кўп. Ҳар бир чорраҳада, муюлиш ва ё тўртта уйнинг ораси да албатта бир ё икки дўконга кўзингиз тушади. «Ҳай, яхшида, дейсиз, қулайлик бор, аҳоли сарсон бўлмайди, ёнгинасида...». Қишлоқдан келган меҳмон ҳам ичидагини яширолмайди: «Шаҳарликларга маза, — дейди, — ҳаммаёқ магазин, истаганини шундоққина уйдан чиқиб харид қилиши мумкин. Биздаги магазинлардай эскирган маҳсулотлар сақланмайди бу ерда...». «Меҳмонимизга эътироф ва саммий ҳаваси учун раҳмат айтамиз-да, у билан хўшлашамиз. Меҳмон барибир меҳмон. Шамолдай гап. Келади кетади. У ҳамма нарсанинг ташқи кўринишига маҳлиё. Жумладан дўкон, магазинларнинг ҳам.

Энди катта шаҳримизнинг катта районидаги катта массивда, катта кварталда жойлашган кичик бир магазинга ташриф буюрамиз. Киров райони, Юнусобод массивининг 7-кварталн. 4-озиқ-овқат магазини. Авваламбор бир нарсани эслатиб ўтишимиз керак: Бу магазин фаолиятидан, сотувчиларнинг одамларга муомаласидан тортиб унинг санитария аҳволига қадар аҳоли норози. Магазин атрофида «Бекитиб сотишади», «Таниш-билиш қилишади» деган гаплар жуда кўп. Ва айтишимиз мумкинки бу гапларда маълум даражада жон бор.

Энди ана шу гапларни таҳлил қиламиз.

Магазинга кирганимизда биринчи кўзга ташланган ёзув санитария ҳақидаги лавҳа бўлди. Лавҳанинг гувоҳлик беришича магазиннинг санитария ҳолати ҳам маданиятга таалуқли. шунинг учун бунга эътибор бериш ҳам ходимларнинг бурчидир. Биз бунга қўшимча қилиб шуни айтишимиз мумкин: магазиннинг санитария ҳолати, тоза-озодалиги бу биринчи навбатда харидорларга, бу ерга келадиган ҳар бир кишига нисбатан ҳурмат белгисидир. Бу ҳақда ёзув бўлишига қарамай биз магазинда тескари манзарани кўрдик. Маҳсулотлар сақланадиган токчалар чанг. Ун йиллик, тўққиз йиллик шарбатлар солинган катта идишларни шу йилларнинг қалин чанги қоплаган. Уларни қўлга олгандан кейин қўлни яхшилаб ювишга тўғри келди. Нархи 2 сўм 35 тийинлик, 1978 йилда чиқарилган олма шарбатидан 51 дона, 1979 йилда чиқарилган 2 сўм 50 тийинлик беҳи шарбатидан 8 дона, 1986 йилда чиқарилган нархи 2 сўм 5 тийинлик олмазузум аралаш шарбатидан эса 38 донаси катта идишларда «биз энди тарих мулки» деб тургандай қаторлашибгина турибди. Уларга на харидорлар қарайди ва на сотувчилар. Чанги ҳам артилмайди, бормийўқми — эътибор ҳам берилмайди. Хоналар, савдо зали таъмирга муҳтож.

Давом этамиз.

Конфетларнинг бир қисмида баҳоси ёзилган карточкалар йўқ. Борларида эса орқасидаги моддий жавобгар шахснинг имзоси қўйилмаган. Тарози, оғирлик тошлари янгиланмаган. Улар ҳали ҳам 1987 йил «ҳисобига» ишламоқда. Текширув тарозиси эса носоз. У ҳам шунчаки қўйилганига тарозининг ўзи кафиллик бериб турибди. Булар ҳаммаси ташқи манзаралар. Энди «ички» манзаралар билан танишамиз.

Биринчи кўзга ташланадигани — пала-партишлик. Ҳамма нарса қалаштириб ташланган. Кўп маҳсулотлар очиқ ҳавода сақланмоқда. Аралаш-қуралаш. Музхоналарни очаман деб тортсангиз дастаси чиқиб келади. Биз пештахтада йўқ маҳсулотлар билан қизиқдик. «Бўлмаса керак» деган мўлжалимиз хато чиқди. Бор экан! Мана: сулотлар шу заҳоти пештахтага чиқарилди, одамлар шу заҳоти мамнун бўлишиб «Бор экан-ку!» дебон харид қила кетишди. Улар нима учун, қайси мақсадда ва ким учун ичкарида сақланаётгани эса ҳали номаълум. Ўйлаймизки Киров райпишчеторгидаги мутасадди ўртоқлар буни бизга маълум қилиб беришар.

Текширув жараёнида магазин ҳаёнидаги 17-уйда истиқомат қилувчи уруш ва меҳнат ветеранлари Советнинг вазо- си А. Дёмина бизга ҳамроҳ бўлди. Куюнчаклик — бу ветераннинг бош фазилати. У кўп нарсалар ҳақида, жумладан ушбу дўкондаги машмашалару қўпол муомалалар ҳусусида куюниб рўй-рост гапирди.

— Рўй-рост гапирганим учун ҳам, кейин ўз вазифаларини ҳалол бажаришлари лозимлигини эслатиб турганим учун ҳам магазин хизматчилари мени унча хушламайди, дангалроқ гапирадиган бўлсам — ёмон кўришади, — дейди Антонина Петровна. — Аҳволни эса, мана ўзингиз кўриб турибсиз.

Ҳа, дарҳақиқат, биз кўриб тургандик. Маҳсулотлар сараладанди хонанинг ифослигини ҳам, 1975 йилда чиқарилган, эскирганидан қопқоқлари қоринда шишиб кетган «Сардинелла» консервасининг занг босганлигини, «Шикоят дафтари»да харидорларнинг ариза- лари беэътибор қолдирилганлиги, харидорларнинг норозилигию, пештахталарнинг ғариблиги — ҳамма-ҳаммасини кўриб тургандик. Бироқ кўриб турган билан ҳамма ишлар битиб кетганда эди, дунё аллақачон гулзор бўларди. Бизни бир нарса ташвишга солади: барча дўконларда агар шунақа «арзимас» камчиликлардан бўлиб турса — унда буни камчилик деб атаб бўлмайди. Буни оддийгина қилиб нонсофлик деса тўғрироқ бўлар... Магазин мудирининг ўринбосари М. Мирсалимов текширув жараёнида анча хижолат тортгандай бўлди. Бироқ бизни бошқа нарса қизиқтиради: у киши, умуман элга зарур молларни «ичкарида» беркитиб юрган барча сотувчилар фақат текширув пайтидагина эмас, текширувдан кейин ҳам хижолат тортишармикин. Одамлар олдида, харидорлар олдида! Биз юқорида бир детални келтирган эдик: носоз тарози. Фақат тарозигина носозмикин! Унинг виждонга дахли йўқмикин!

З. ЮСУПОВА,
Тошкент шаҳар халқ контроли комитетининг штатсиз инспектори.

С. САИДОВ,
«Тошкент оқшоми» махсус мухбири.

Чиройлисан қуёним...

Н. Шарипов фотоси.

ТЕКИНХЎРЛАР

КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтириш тадбирлари тўғрисидаги қарорида «Бизнинг давлатимиздa халқ бахт-саодати йўлидаги халол меҳнат, социалистик мулкни мустаҳкамлаш Ватан иқтисодий ва мудофаа қудратини, ҳар бир оила моддий фаровонлигини ўстиришнинг асосий манбаи эканлигини, жамият барча аъзоларини коммунистик руҳда тарбиялашнинг энг муҳим шарти, уларнинг муқаддас бурчи эканини совет кишилари яхши тушунадилар», дейилади. Чиндан ҳам, халоллик, меҳнатнинг обрў ва эътиборини ошириш, социализмнинг «Ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга меҳнатига яраша» деган асосий принципини оғишмай амалга ошириш тўғрисида, меҳнат ва истеъмол меъёри устидан давлат ва жамоат контролини янада кучайтириш ҳақида доим ғамхўрлик қилиб келинмоқда.

Киров район ҳуқуқ-тартибот ходимлари ҳам кенг жамоатчиликка таянган ҳолда ўз ишларини олиб боришаяпти. Куни кеча район халқ суди Абдукарим Миржамилов устидан қўзғатилган жиноий ишни кўриб чиқди.

Абдукарим 1960 йилда Тошкент районидаги колхозлардан бирида туғилган. Отаси Абдуқаҳҳор умр бўйи колхозда ҳалол меҳнат қилиб келган. Онаси Карима опа ҳам колхозчи. Бу оилада 6 нафар бола тарбияланиб вояга етган ҳаммаси уйли-жойли, оила ўзига тўқ, фаровон.

Лекин ўртанчи фарзанд Абдукарим «тўқлиққа — шўхлик» қиладиган одат чиқарди, яъни ичкиликка берилди, шу туфайли ярамас «хамтовоқлар» орттирди. Улар билан ичиб, тунда уйга қайтадиган одат чиқарди. Ота-она «Уғлим уйланса, бола-чақали бўлса, тинибтинчиб кетар», деган умидда уни уйлантириб қўйди... Йўқ, ўғил тинчимади, текин даромад топиш йўлларини қидирди. Шаҳримиз магазинларидан бирида бир харидорнинг чўнтагига кўз олайтирди, жиноят устида қўлга тушди. Натижада суд уни уч йил муддатга озодликдан маҳрум этди. У қамоқ жазосини ўтаб қайтгандан кейин эл кўзига бироз ишлаб юргандек бўлди, кейин ишни тарк этди. Ҳалол меҳнат қилиш йўлига кирмади. «Урганган кўнгил ўртанса қўймас», деганларидек яна бировлар хамёнига кўз тикадиган бўлди, яна ота-онасининг, маҳаллакўйнинг юзини ерга қаратди, афсус — кўпчиликнинг «Абдукарим қамалиб, кўзи очилиб қайтди», деб қилган умидини пучга чиқарди. Яна у «чўнтаккесарлик» билан қўлга тушди.

Жиноятчи суд қора курсисида ўтириб бир нарсага аниқ иқрор бўлди, у судда шундай деди: «Мен янглишдим, ҳардамхаёллик қилдим, ишламай пул топишни афзал кўрдим. Оқибатда бутун оила аъзоларимнинг, маҳалла аҳлининг юзини ерга қаратдим. Мени кечиринглар».

Лекин халқимиз «Охирги пушаймон, ўзингга душман», дейди. Абдукаримнинг кўзи кеч очилди, у қилмишига яраша жазо олди.

Шукрулла Инағомов, 1966 йилда туғилган, тошкентлик, комсомол аъзоси, Тошкент кўн-мўйна заводида қолипловчи бўлиб ишлаган. У текин даромад орттиришга ҳирс қўйди, шу мақсада чайқовчилик йўлига кирди. Шукрулла «Ганга» магазинидан ҳар бири 51 сўм турадиган кўйлакдан 8 дона, 15 сўмлик рўмолдан бир нечтасини сотиб олиб, уларни Олой колхоз бозорида устама нархда пуллай бошлади. У гражданка Л. Лосьевага 51 сўмлик кўйлакни 90 сўмга, гражданка Р. Набиевага 15 сўмлик рўмолни 20 сўмга пуллаётганда жиноят устида қўлга тушди. Агар Инағомов бозорга олиб тушган кўйлак ва рўмолларнинг ҳаммасини сотиб улгурганда 327 сўм текин даромад кўрган бўлур эди. Афсуски текин томоқ тешиб чиқди.

Суд ва тергов даврида шу нарса аниқландики, у бир неча йил мобайнида чайқовчилик билан шуғулланиб келган экан. Киров район халқ судининг ҳукмига кўра, Инағомов Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 175-моддаси «Б» банди билан айбдор деб топилиб, ўзига тегишли бўлган мол-мулки ва савдогарчилик ашёлари давлат фойдасига мусодара этилиб, тўрт йил озодликдан маҳрум этилди.

Айбини кейин тушунганлардан яна бири Юрий Степановдир. 1959 йилда туғилган, Бухоро область корхоналаридан бирида слесарь бўлиб ишлаган. У ўз ҳамкасби Умидилла Иброҳимов билан тил бириктириб, кўп миқдорда меҳнатсиз даромад орттириш ҳақида ўзаро маслаҳатлашиб, гражданин Мамедовдан 1000 қути «Данхин» сигаретини сотиб оладилар. Икки ҳамтовоқ чайқовчилик мақсадида Олой бозорида бу камёб сигаталарнинг ҳар бир қутисини 4 сўмдан пуллай бошлайдилар ва жиноят устида қўлга тушадилар. Албатта суд бундай текин йўл билан меҳнатсиз даромад кўрувчиларга шафқат қилмади, уларнинг ҳар бирини 5 йилдан озодликдан маҳрум этди.

Шу ўринда бир савол туғилади. Хўш, бу жиноятчиларнинг қилмиш ҳаракатларини оила аъзолари, қариндош-уруғ, қолаверса, маҳалла аҳли сезмадимикан? Сезишган. Лекин улар «Менга нима», қабилида иш тутишган, жиноятчиларни тўғри йўлга солишмаган, уларга танбеҳ беришмаган. Агар кенг жамоатчилик бу иллатга қарши ҳуқуқ тартибот ходимлари билан биргаликда кураш олиб бормасалар, тинч ва фаровон ҳаётимизга юқорида қайд этилган шахсларга ўхшаш кишилар ҳалақит берадилар.

Р. АКБАРОВ,
Киров район халқ судининг раиси.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

Жиноят содир бўлди

БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАР БЮРОСИ

Мазкур рубрика остида «Бахтсиз ҳодисалар бюросининг фаолияти ва камчиликлари ҳақида хабар қилинганига икки ойдан ошди. Шу муносабат билан берилган бир қатор саволларга ана шу бюро ходимаси О. А. Петрик жавоб беради:

1988 йилнинг май ва июнь ойлари мобайнида «Бахтсиз ҳодисалар бюросига Тошкент шаҳри аҳолисидан қариндош-уруғлари, таниш-билишларини қидириш ҳақида 400 дан знёд сўровлар олинди. Маълумотлар ўз вақтида уйига қайтмаган шахсларнинг аксарияти шахсий сабаблар билан ушланиб қолганлигидан, қаерда эканлигини ўз вақтида хабар қилмаганлигидан даволат беради. Ёши жиҳатидан уларнинг аксарияти 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади, учдан бир қисми— ўсмирлар, қолганлари қариялардир.

«Дом-даракси йўқолганлар»нинг аксарияти милиция ва медицина ходимларининг, қариндош-уруғ ва таниш-билишларининг ёрдами билан қисқа вақтда топилди.

18 апрель куни газета мақоласида билдирилган танқидий мулоҳазалардан сўнг «Бахтсиз ҳодисалар бюроси» фаолиятининг самарадорлиги сезиларли даражада ошди. Шаҳар психиатрия касалхонасидан, 6-касалхонадан, бошқа даволаш муассасаларидан ётқизилаётган беморлар ҳақида бизга тез-тез хабар қилиб туришадиган бўлишди.

Жумладан, 10 май куни 1-психиатрия касалхонасидан ўзини Саша деб таништирган 11-12 ёшдаги бола ётқизилганлигини хабар қилишди. Орадан кўп вақт ўтмай унинг онаси бюрога ёрдам сўраб мурожаат қилди. Болакай ўз онасига топширилди.

Аммо фаолиятимизда тартиб қарор топди, деб ҳамон айта олмаймиз. 2-психиатрия касалхонаси, 2-республика клиник касалхонаси бюро билан алоқага чиқмаяпти.

Тажриба «Тез ёрдам» клиник касалхонаси бизга яқиндан ёрдам бериш мумкинлигини кўрсатаяпти. Ҳозирча улар ташаббус кўрсатишмаяпти. Клиникалар ва касалхоналарнинг қабулхоналаридан бизга бахтсиз ҳодисалар туфайли уларга келтирилган, воқеадан онла аъзолари бехабар қолган шахси маълум ва номаълум беморлар ҳақида хабар қилиб туришларини истар эдик.

Фаолиятимизнинг яна бир мураккаб томони шундаки, — деб таъкидлайди Оксана Андреевна, —айрим граждалар қариндош-уруғлари, таниш-билишлари йўқолганлигини хабар қилганларидан сўнг, уларнинг қайтиб келганини маълум қилишмайди.

Эслатиб ўтамиз, «Бахтсиз ҳодисалар бюроси» куну тун ишлайди. Бюрога 56-96-58, 56-97-39, 33-28-14 номерли телефонлар орқали мурожаат этиш мумкин.

ЖИНОЯТЧИ АНИҚЛАНДИ

27 апрель кундуз куни номаълум шахс Чилонзор массивининг 19-кварталидаги квартирага шахта орқали кириб, Японияда ишлаб чиқарилган «Панасоник» магнитофонини ва заргарлик буюмларини ўғирлаган эди. Қидирувлар натижасида жиноятчи — шу кварталда истиқомат қилувчи 35-мактабинтернат ўқувчиси 13 ёшли Костя Ч. аниқланди.

Кейинчалик маълум бўлишича, Костя 20 май куни худди шу йўл билан 2-кварталдаги квартиралардан бирига кирган ва 8 шиша арақ, икки шиша коньякни олиб кетган экан.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Турист

ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ

25 ИЮЛЬ — 7 АВГУСТ КУНЛАРИ

КАРГОПОЛЬ-АРХАНГЕЛЬСК-ОНЕГА-АРХАНГЕЛЬСК

МАРШРУТИ БЎЙИЧА ДАМ ОЛИШГА

ТАКЛИФ ЭТАДИ

МАРШРУТ НЯНДОМ ШАҲРИДАН БОШЛАНАДИ. ТУРИСТЛАР ЁЗЛИК ЁҒОЧ УЙЛАРГА ЖОЙЛАШИШАДИ, ЎЗ-ЎЗИГА ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ ОШХОНАДА ОВҚАТЛАНИШАДИ.

Туристлар Каргополда бўлган вақтларида ўлкашунослик музейига, Христорождественский саборига қўнғироқхонага, Каргополь шаҳридаги кўргазмалар залига ташриф буюришади. Шунингдек, шаҳар атрофига — Саунико, XVII-XIX асрлар ўймакорлик санъати ёдгорликларига автобусда экскурсияга чиқадилар. Туристлар теплоход билан Онега дарёси ва Лача кўлига борадилар.

Сўнгра туристлар Архангельск шаҳри билан танишадилар. Шаҳар меҳмонларини бу ерда шимол уйсозлик усталарининг санъати кутади.

«Шимолнинг ёғоч ўймакорлиқ санъати» экскурсияси туристларни Кичик Кареллар манзилгоҳидаги архитектура-этнография музейида сақланаётган ёғоч ўймакорлик санъати, ёғоч архитектураси дурдоналари, шунингдек «М. В. Ломоносов ватани ҳозирги кунда» экскурсияси эса буюк рус олимининг ватани Ломоносово қишлоғи, Ломоносово мемориал музейи билан таништиради.

Туристлар 2-3 ўринли меҳмонхонада яшашади, ресторанда овқатланишади.

Туристлар Архангельск шаҳридан Онега шаҳрига қараб йўл олишади. Онега — область ихтиёридаги шаҳар бўлиб, Архангельск областидаги Онега райони марказидир. У Оқ денгиздан 7 километр ва Архангельскдан 263 километр олисликда жойлашган. Онега шаҳрида бўлган вақтларида туристлар порт шаҳарнинг тарихий жойлари билан танишадилар. Улар Шимолни ўрганиш ва ўзлаштиришга онегалик денгизчилар қўшган улуш ҳақида билиб оладилар, биринчи фан кемаси «Персей»га ўрнатилган ёдгорликни томоша қиладилар, Оқ денгизнинг хушманзара ороллaридан бири — Кий оролида бўладилар. Онега атрофи манзаралари билан танишадилар.

Самолётда бориш ва қайтиш, жойлашиш, овқатланиш, экскурсия хизмати кўрсатиш харажатлари путёвка қийматига киради.

Барча масалалар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат килинсин: 700078, Тошкент шаҳри, Намойишлар хиёбони, 5-уй.

Пассажирлар диққатига!

ДОМБРОБОД МАССИВИ АҲОЛИСИНИ «ЧИЛОНЗОР» МЕТРО СТАНЦИЯСИДАН БОШЛАБ ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ТРАНСПОРТ АЛОҚАСИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДЛАРИДА

ИЮЛДАН БОШЛАБ

ДОМБРОБОД МАССИВИ — «ЧИЛОНЗОР» МЕТРО СТАНЦИЯСИ ОРАЛИҒИДА

ЯНГИ 114-МАРШРУТ АВТОБУСИ ҚАТНАЙ БОШЛАЙДИ.

Автобусларнинг ҳаракати Домбробод массивидан Домбробод, Фарҳод, Халқлар дўстлиги кўчалари бўйлаб амалда мавжуд барча бекатлар билан бирга «Чилонзор» метро станциясигача ташкил этилади. Автобус ҳаракатлари қайтиш йўналишида Халқлар дўстлиги проспектидан Волгоград, Чилонзор, Домбробод кўчалари бўйлаб амалда мавжуд барча бекатлар билан бирга ташкил этилади.

1988 йил, 5 июлдан бошлаб САМПИнинг болалар клиникасидан «М. Горький» метро станциясига қадар янги 15-маршрутли микроавтобус қатнай бошлайди.

Маршрутга 4 та автобус бириктирилган.

Қорақамиш массиви аҳолисига транспорт хизматини яхшилаш мақсадларида 1 июлдан бошлаб «Олой бозори — 2/4 Қорақамиш массиви» ўртасида қатновчи 56-автобус маршрутининг ҳаракати икки қисмга бўлинади:

Микроавтобусларнинг ҳаракати «М. Горький» метро станциясидан иккала йўналишда М. Горький кўчаси, Халқа йўл (Красновосточний) ва маҳаллий проезд бўйича САМПИнинг болалар клиникасига қадар ташкил этилади.

15-маршрутга 5 та микроавтобус бириктирилган.

— 56-маршрут автобуси «2/4 ҚОРАҚАМИШ МАССИВИ — ЖОМИЙ МАЙДОНИ» **орасида;**

— 38-маршрут автобуси «ЖОМИЙ МАЙДОНИ — ОЛОЙ БОЗОРИ» **ўртасида қатнайди.**

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг барча турдаги шаҳар пассажир транспорти ишини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бошқармаси (Телефонлар: 34-83-43, 34-82-98).

Макулатура топширувчи гражданлар диққатига!

1, 2 ва 3 ИЮЛЬ КУНЛАРИ ҚАБУЛ ПУНКТ-МАГАЗИНЛАРИДА

27, 28 ва 29 май, 4, 5, 11, 12, 18 ва 19 июнь кунлари берилмаган абонементларга — Д. Мамин-Сибирякнинг «ПРИВАЛОВ МИЛЛИОНЛАРИ», В. Биковнинг «ПОВЕСТЛАР» ва 2 томлик «ПУШКИННИНГ ҲАЁТИ» китобларига

АБОНЕМЕНТЛАР ТАРҚАТИЛАДИ.

1 ИЮЛДА 6, 11, 15, 16, 18, 19, 20, 25, 29, 33, 43, 48, 49, 57, 60, 66, 69, 72, 75, 76 ва 79-қабул пункт-магазинларида Д. Мамин-Сибирякнинг «Привалов миллионлари», «Тоғ уяси» китобларига ҳар қайси қабул пунктида 350 тадан абонемент тарқатилади;

2 ИЮЛДА 6, 11, 15, 19, 20, 25, 29, 33, 43, 48, 49, 57, 60, 72, 75 ва 76-қабул пункт-магазинларида В. Биковнинг «Повестлар» китобига ҳар қайси қабул пунктида 450 тадан абонемент тарқатилади;

3 ИЮЛДА 6, 11, 15, 19, 20, 25, 29, 33, 43, 48, 49, 57, 60, 72, 75 ва 76-қабул пункт-магазинларида 2 томлик «Пушкиннинг ҳаёти» китобига ҳар қайси қабул пунктида 250 тадан абонемент тарқатилади.

Д. Мамин-Сибирякнинг «ПРИВАЛОВ МИЛЛИОНЛАРИ» ва «ТОҒ УЯСИ» китобларига абонементлар фақат бир вақтнинг ўзида 3 кг. ип-газлама латта-путталари ёки 10 кг. макулатура топширгандан кейингина берилади.

В.Биковнинг «ПОВЕСТЛАР» китобига абонементлар фақат бир вақтнинг ўзида камида 10 кг. макулатура топширгандан кейингина берилади. Абонемент унда кўрсатилган китобни 20 кг. макулатура топширгандан кейин сотиб олиш ҳуқуқини беради.

2 томлик «ПУШКИННИНГ ҲАЁТИ» китобига абонементлар фақат бир вақтнинг ўзида камида 20 кг. макулатура топширгандан кейингина берилади. Абонемент унда кўрсатилган 2 томлик китобни 40 кг. макулатура топширгач сотиб олиш ҳуқуқини беради.

УЛУҒ ВАТАН УРУШИ ИНВАЛИДЛАРИ ВА ҚАТНАШЧИЛАРИГА НАВБАТДАН ТАШҚАРИ ХИЗМАТ КЎРСАТИЛАДИ.

Справкалар учун телефон: 48-04-93.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТАЙЁРЛОВ КОРХОНАСИ.

АҲОЛИ ҲАМДА КОРХОНА ВА СПОРТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

РЕСПУБЛИКА «ПАХТАКОР» СПОРТ-МАШҒУЛОТ БИРЛАШМАСИ ҲУЗУРИДАГИ

«ГАРМОНИЯ» КООПЕРАТИВИ

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ҚУЙИДАГИ ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ЮЗАСИДАН

ШАРТНОМАЛАР ТУЗАДИ

театрлар, клублар, санъат саройлари томоша залларида, концерт залларида, кинотеатрларда, мажлислар залларида, овоз ёзиш студияларида акустик ўлчовларни ўтказиш ҳамда у ерларда аниқланган акустик нуқсонларни бартараф этиш юзасидан тавсияномалар ишлаб чиқиш;

шовқин ва тебранишларни ўлчаш, ишлаб чиқариш хоналарида шовқин даражасини пасайтириш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш;

стадионлар, спорт саройлари, маданият саройлари, театрлар, клублар, мажлислар залларида овоз кучайтиргич системаларининг лойиҳасини ишлаб чиқиш, монтаж ва созлаш ишларини бажариш;

мавжуд овоз кучайтириш системаларини ремонт қилиш ишлари шулар жумласидандир;

шунингдек театрлаштирилган спорт томошалари, концертлар, спорт байрамлари ва бошқа байрамларни ўтказиш учун буюртмалар қабул қилади. Бунда кооператив сценарий ёзиш, тегишли музика асарларини танлаш, хомаки ва ишчи фонограммаларни тайёрлаш репетицияларни ўтказиш, овоз кучайтиргичларнинг бенуқсон ишлашини таъминлаш каби барча вазифаларни ўз зиммасига олади;

ишлаб чиқариш гимнастикаси, саломатлик группалари машғулотлари учун комплекслар ишлаб чиқилади ва фонограммалар тайёрланади (асабларга дам беришнинг ишлаб чиқилган комплекслари мавжуд);

ансамбллар ва якка ижрочилар учун овоз ёзиб, фонограммаларни тайёрлайди;

совет ва чет эл артистлари ижросидаги адабий ва музикали асарлар ёзилган ғалтакли, компакт-кассетали магнит фонограммаларини аҳолига реализация қилади.

«Гармония» кооперативининг магнитли овоз ёзиш студияси ўз товар белгисига эга.

Барча ишлар давлат нархларида бажарилади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри 700027, Социализм кўчаси, 21.

«Пахтакор» стадионининг маъмурий биноси. Телефонлар: 41-31-23, 44-00-72.

Ўқишга марҳамат!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ

1988-1989 ўқув йили учун

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

56-ТОШКЕНТ ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ИИГИРУВЧИ, ТУҚУВЧИ, КАЛАВАЛОВЧИ, ХОМ ИП ТАЙЁРЛОВЧИ, ИП ЭШУВЧИ, ТАРОҚЛОВЧИ, УРОВЧИ, АЙЛАНТИРУВЧИ КАСБЛАРИ БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 1-3 ЙИЛ.

ЎҚИШГА 8-10 СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш даврида 3 йил таълим оладиган ўқувчилар бепул иссиқ овқат, кийим-бош; 10-синфни битириб ўқишга кирган ўқувчилар ойига 30 сўм стипендия ва база-корхона ҳисобидан қўшимча 40 сўм устама ҳақ билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси . даврида барча ўқувчиларга иш ҳақининг 50 проценти тўланади.

3 йил таълим олган ўқувчилар билим юртини тугатгач касб ўрганиб чиқиш билан бирга тўлиқ ўрта маълумот оладилар, билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаган ўқувчиларга техникумлар ва олий ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан ўқишга киришлари учун йўлланма берилади.

Ўқиш даври узлуксиз меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юрти ўз ётоқхонасига, спорт комплексларига эга, техника ижодиёти, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ишлаб турибди.

Билим юртига ўқишга киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: ариза, маълумот ҳақидаги ҳужжат, медицина справкаси, 6 дона фотосурат (3x4 см. ҳажмда), характеристика, яшаш жойидан справка.

АРИЗАЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9 ДАН 18.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР—ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАШУВИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Адрес: 700198, Тошкент шаҳри, Сергели райони, Қўйлиқ массиви, 5 «Б» квартали, 51-уй (37э, 45, 55, 104, 111-автобуслар; 26-трамвай; 11, 30, 31-маршрутли автобусларнинг «Диспетчерская» бекати). Телефонлар: 90-61-11, 90-19-81, 90-60-09, 90-62-24.

26-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

— заргарлик касбига, ўқиш муддати — 1,5-3 йил;

— чинни буюмларга гул солувчи рассом, чинни буюмларни қолипловчи, чинни буюмларини элтувчи, саноат асбоб-ускуналари бўйича слесарь касбларига. Ўқиш муддати — 1-3 йил.

Ўқишга Тошкент шаҳрида яшовчи йигит ва қизлар қабул қилинади. 8-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар учун таълим муддати — 3 йил. Ўқишга қабул қилинганлар 3 маҳал овқат, кундалик уст-бош ва коржома билан таъминланадилар:

10-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар учун таълим муддати — заргарларга 1,5 йил, бошқа касбдагиларга — 1 йил. Уларга ойига 30 сўм стипендия тўланади. Ўқишга қабул қилинган барча ўқувчиларга ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 проценти тўланади.

Билим юртини тамомлаганларга тўлиқ ўрта маълумот ва касб эгаллаганлиги ҳақида диплом берилади. Билим юртини аъло баҳоларга тамомлаган ўқувчилар олий ўқув юртлари ва техникумларга имтиёзли шартлар билан қабул қилинадилар.

Билим юртидаги таълим даври доимий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртига кириш имтиҳонларсиз қабул қилинади.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш лозим: директор номига ариза, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, ота-онасининг иш жойидан ва яшаш жойидан справкалар, медицина справкаси (286-форма). характеристика, 6 дона фотосурат (3x4 см ҳажмда), таржимаи ҳол.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адрес: 700002, Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов райони, Сағбон кўчаси, 17-тупик 4-уй, (100, 59, 166-автобусларнинг «Қўштут» бекати). Телефонлар 44-30-07, 44-15-86.

Кино

1, 2 ИЮЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Ватан — «ҚУРОЛСИЗ ИНСПЕКТОР» (тоқ соатларда).

Нукус — «ЙЎЛДАН ОЗИШ» (тоқ соатларда).

Москва — «ЙЎЛДАН ОЗИШ» (тоқ соатларда).

Лисунов номли — «ТУНГИ ЭКИПАЖ» (тоқ соатларда).

Дружба — «ФЕРУЗА МАРЖОН» (тоқ ва жуфт соатларда).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ЙЎЛДАН ОЗИШ» (жуфт соатларда).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ЙЎЛДАН ОЗИШ» (жуфт соатларда).

Искра — «53-ЙИЛНИНГ СОВУҚ ЁЗИ» (жуфт соатларда).

АВТОМАТ ЖАВОБ БЕРУВЧИ ТЕЛЕФОНЛАР:

Санъат саройи 44-21-44, 44-21-34, 44-21-74.

Чайка — 77-06-20.

Ташсовет 50 йиллиги — 78-47-25.

Қозоғистон — 35-24-92.

Ватан — 74-30-38.

Восток — 91-14-61.

Дружба — 67-96-87.

Москва — 68-68-81.

Репертуардаги ўзгаришлар тўғрисида кинотеатрлардан тўлиқ маълумот олишингиз мумкин.

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА

4 ИЮЛЬ СОАТ 19.30 ДА

СССР 51-чемпионати учун

БИРИНЧИ ЛИГАНИНГ

«ПАХТАКОР» (Тошкент) — «КОТАЙК» (Абовян)

командалари ўртасида

Футбол

Танаффус вақтида спортбуюм лотереяси ўйналади. Лотерея билети серияларининг номери 024001 дан 026000 гача.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ МИНИСТРЛИГИ

4-5 ИЮЛЬ СОАТ 10.00 ДА

фойдаланилмаган материаллар, театр жиҳозлари, комплект буюмлар, приборлар, эҳтиёт қисмлар ва тайёр маҳсулотларни реализация қилишда ёрдам бериш учун САНОАТ ЯРМАРКАСИНИ ЎТКАЗАДИ.

ЯРМАРКА «ВОСТОК» КЛУБИ БИНОСИДА (Навоий кўчаси, 16-уй) ЎТКАЗИЛАДИ.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов районидаги 111-ўрта мактаб томонидан **Тожибоев Аҳмаджон Хожибоевич** номига берилган Д 329128 номерли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08-74, 32-57-84; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиши — 32-58-85; фан ва ўқув юртлари — 32-53-10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси — 32-55-32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар — 33-29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Р — 16727. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. А. — 2153. Тиражи — 108.220. 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.